# СИФАТЛИ НАВ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

(Бошланиши 1-бетда.)



Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директори Алишер Омонтурдиевнинг айтишича, институтда жаҳоннинг турли мамлакатларидан йиғилган ёввойи шакллар ва навлардан иборат қарийб 13 минг намунага эга ғўза коллекцияси мавжуд. Селекция ишларида улардан самарали фойдаланилмоқда. Серҳосил, тезпишар, толаси пишиқ, сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тупроқ-иқлим шароитига мос ўрта толали ғўза навларини яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли илмий изланишлар ўз самараларини бермоқда. Жумладан, ҳозир ҳудудлаштирилган ғўза навлари асосан 125-115 кунда, айримлари 110 кун ичида пишиб етилади. Айни пайтда институтда 85-90 кунда очиладиган ўрта толали ғўза оилалари яратилиб, синовдан ўтказилмоқда. Таъкидлаш керакки, шу вақтга қадар бундай қисқа муддатда пишиб етиладиган нав бошқа бирор мамлакатда яратилмаган.

Бошқаларига нисбатан ҳосилдор, тезпишар ва оқпалак касаллигига чидамли янги нав яратиш учун ўртача 12-15 йил вақт кетади. Шу боис бу жараёнда келгусидаги табиий ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда. Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида шўрланишга, сув танқислиги, обҳавонинг кескин ўзгаришларига чидамли ғўза навларини яратиш мақсадида селекция кўчатзорлари барпо этилди.

Янги навларнинг ҳар бири тупроқ-иқлим шароитига мос ҳудудларга тавсия этилмоқда. Мисол учун, Хоразм вилояти экин майдонларининг катта қисмига экилаётган янги «Омад», «С-8292» ғўза навлари шўрга чидамли, тез унувчан бўлиб, толасининг сифатлилиги ва вегетация даврининг қисқалиги билан ажралиб туради. Ҳосилдорлиги гектарига ўртача 32-35 центнерни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикасида 30 минг гектарга яқин ерда сув танқислиги ва шўрланишга чидамли «Дўстлик-2» ва "Чимбой" навлари, Сурхондарё вилоятидаги 18 минг гектарда оқпалак касаллигига, сувсизликка чидамли ва серҳосил «Султон» нави истиқболли деб топилди. Фарғона водийси вилоятларида экилаётган «Наманган-34» нави тола сифатининг юқорилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Қайд этиш жоиз, тола узунлиги 35 миллиметр бўлган мазкур навга тенг келадиган нав ҳозирга қадар ҳеч бир мамлакатда яратилмаган.

Тажрибали деҳқонларимиз мутахассислар билан ҳамкорликда янги навлардан мўл ҳосил етиштирмоқда. Жумладан, "Султон" ғўза навидан Олтинкўл туманидаги "Находка" фермер хўжалигида гектаридан 45 центнер, Денов туманидаги "Нурбек Мирзо" фермер хўжалигида 50 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда.

Олтмишдан зиёд фан доктори ва фан номзоди фаолият юритаётган илмий жамоада сара уруғлик тайёрлаш ҳам эътиборда. Хусусан, биринчи маротаба элита уруғлари тайёрлаш борасида якка танлов ва намуна терим материалларини ўрганиш услуби таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда ғўза уруғчилиги ва селекцияси, навларни танлаш, ҳудудларга мослаб экиш, фермерларга амалий ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилгани туфайли пахтачиликда юқори натижаларга эришилмоқда. Толани таснифлашнинг замонавий тизими унинг юқори сифатини кафолатлаб, рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

---

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

**Ислом КАРИМОВ**

# Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган навбатдаги тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Мазкур Қонун Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 11 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва Меҳнат кодексига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят иши юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонунларига аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бу эса юртимиздаги бирор корхона, муассаса ва ташкилотда бир ойлик тўлиқ ишланган вақт меъёри ва бажарилган меҳнат вазифалари учун ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслигидан далолат беради.

Қонунчиликка киритилган ушбу янгилик меҳнатга ҳақ тўлашнинг фақат амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорига қараб амалга ошираднган, бунда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган ойлик меҳнат ҳақи миқдорини эътиборга олмайдиган иш берувчиларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг икки хил талқин қилинишини истисно этади. Бундан ташқари, Қонун орқали Солиқ кодексига ҳам қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

*Биринчидан,* кодекснинг 208-моддаси 36-банд билан тўлдирилиб, унга кўра, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. Киритилган мазкур қўшимча орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва омилларни яратиш имконияти вужудга келди. Бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди.

*Иккинчидан,* аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан кодекснинг 217-моддасидаги "аҳоли номидан оладиган" деган сўзлардан кейин "шунингдек, идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган" деган сўзлар билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот доираси кенгайтирилганлигидан далолат беради.

*Учинчидан,* кодекснинг "Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотларига солиқ солиш" деб номланган 217[1]-моддаси пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш айланмаси 20 фоизлик ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилиши муносабати билан чиқариб ташланди;

*Тўртинчидан,* кодекснинг 324-моддаси 2-бандига фуқароларга имтиёзлар беришни назарда тутувчи нормалар ҳам киритилиб, унга кўра, ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек, яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобил ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) мамлакатимиз ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўлашдан озод қилинди.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, мазкур Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими**

---

Реклама

AGROBANK

# Кичик бизнесга катта сармоялар

Истиқлолга эришилгач мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида юртимизда бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар амалга оширилди. Бундан ташқари жойларда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли дастурлар ҳаётга татбиқ этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Бу масала нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан ўтган ҳафтада пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг шу хусусдаги фикр ва мулоҳазалари фикримизнинг далилидир. Мулкчилик шакли турлича бўлган маҳаллий корхоналар, хорижий инвесторлар учун яратилган бундай муҳит ҳақиқатан ҳам жойларда ташкил этилаётган қўшма корхоналар, табиийки ишсизликни бартараф этишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Юртбошимизнинг мазкур анжуманда сўзлаган нутқида 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шундай экан, бундай корхоналарнинг маблағларини сақлаш ва кўпайтиришда, маҳаллий корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Мана шундай жиҳатлар ҳисобга олиниб давлатимиз томонидан молия муассасалари, хусусан, банклар олдига катта вазифалар қўйилган. Замонавий банклар жойларда ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаши, зурур технологияларни сотиб олишларида кўмаклашиши лозим.

Бу борада «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилояти бошқармаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Жорий йилнинг 1 сентябригача берилган маълумотда қайд этилишича "Агробанк"нинг Навоий вилояти бошқармаси 8178 та мижозга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан 3911 таси қишлоқ хўжалиги корхоналари, 535 та бюджет ташкилотлари, 5 та қўшма корхона, 2781 та кичик бизнес субъектлари бўлса, 1820 таси якка тартибдаги хусусий тадбиркорлардир.

Жорий "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан қабул қилинган дастурга мувофиқ "Агробанк" ОАТБ раҳбарияти томонидан ҳам ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини ижтимоий аҳамиятидан келиб-чиқиб буларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Бошқарма филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига вилоят ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринларини барпо этиш имкониятлари кенгайди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги 2006 йил 23 мартда қабул қилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг ўтган даврида туманлардаги бозорлардан нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олиш учун банк маблағи ҳисобидан жами 102 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олишлари учун 481 миллион 300 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами ҳам кун сайин ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада банкнинг Навоий вилоят бошқармаси жорий йилнинг 1 сентябригача 58 та маиший хизмат кўрсатиш объектларига жами 2 миллиард 392 миллион сўмлик кредитлар ажратди. Ушбу кредитлар кўмагида жойларда ўз фаолиятини бошлаган ихчам хизмат кўрсатиш объектларида 239 та янги иш ўринлари яратилгани этирофга лойиқ.

Бошқа вилоятлар сингари Навоийда ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизларимиз сафи ортиб бормоқда. Ҳалол меҳнати орқали бирини икки қилаётган, ўз оиласи ва маҳалласини обод этаётган хотин-қизлардан 249 нафарининг лойиҳалари банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан жами 2 миллиард 480 миллион 300 минг сўмга молиялаштирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 262 миллион сўм кўп демакдир. Натижада 249 нафар тадбиркор аёллар ўз бизнесларини йўлга қўйиб доимий иш жойига эга бўлдилар.

«Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида молия муассасаси томонидан 51 та ишлаб чиқариш корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 903 миллион 900 минг сўм миқдорида техник ускуна ва хом ашё учун кредит йўналтирилган. Жумладан, Қизилтепа туманидаги "Бўстон чиннииси" хусусий корхонасига чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариши учун зарур хом ашё ва ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиши учун 130 миллион сўм, «Дилшодбек Диёр» хусусий корхонаси томонидан ўз ҳудудида мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириши учун банкка тақдим этган лойиҳаси ўрганиб чиқилиб, 150 миллион сўм маблағ ажратилди. Юқорида санаб ўтилган кичик бизнес субъектларига берилган қарз пуллари эвазига улар ўз тадбиркорлик ишларини ривожлантириш билан бир қаторда ҳар бир корхонада 10-12 тадан қўшимча иш ўринлари яратилишига эришилди.

Шунингдек, тадбиркорлар томонидан вилоятда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган бизнес режалари ҳам молия муассасаси томонидан атрофлича ўрганилиб, 31 та мижозга иссиқхона ташкил этишга 6 миллиард 400 миллион сўм кредит берилди. Тадбиркорларнинг йўналтирилган кредитлардан мақсадли фойдаланиши натижасида жойларда 640 та янги иш ўринлари яратилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Кармана туманидаги "Равшан" фермер хўжалигига сутни қайта ишлаш ускунасини харид қилиб олиш учун 100 милион сўм, шу туманда фаолият юритаётган "Jumaqul Ergashev" фермер хўжалигига паррандачиликни ривожлантириши учун 50 миллион сўм, Хатирчи туманидаги "Камолот фиш тоур" МЧЖга балиқчиликни интенсив ривожлантириш учун 60 миллион сўм, «Ҳазрати Довуд» фермер хўжалигига паррандачиликни ривожлантириши учун 35 миллион сўм миқдорида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Натижада ҳар бир молиявий таянч олган корхонада 8-10 тадан янги иш ўринлари очилишига эришмоқда. Шунингдек, ажратилган кредитлар эвазига Хатирчи ва Қизилтепа туманларида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш заводлари қурилиб, бугунги кунда вилоят аҳолиси истеъмоли учун табиий тоза ёғ маҳсулотлари етказиб берилаётгани янада қувонарли. Ундан ташқари Республика Молия вазирлигининг имтиёзли маблағлари эвазига Қизилтепа тумани ҳамда Навоий шаҳрида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривож олишида Навоий вилояти молия мутасаддилари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

---

# САРИОСИЁДА ЯНГИ КОРХОНА



**Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида хориж технологияси билан жиҳозланган тош-шағал саралаш корхонаси фойдаланишга топширилди.**

"Сурхонсифатлитош" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган янги корхонада 15 киши иш билан таъминланди.

— Корхонамиз бир кунда 400 минг кубметр қурилишбоп сараланган шағал ва қумни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди "Сурхонсифатлитош" масъулияти чекланган жамияти раиси Шавкат Қаландаров. — Бу ерга ўрнатилган барча замонавий ускуналар компьютер ёрдамида майдаланган шағал ва қумни саралайди. Ишлаб чиқарган дастлабки маҳсулотларимиз қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган янги турар жой бинолари қурувчилари ва бошқа буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Вилоят тадбиркорлари томонидан яна 50 га яқин сервис, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Суратда: (чапдан) иш бошқарувчи Набижон Иноятов ва ишлаб чиқариш цех бошлиғи Аброр Қаландаров.

**Ф.АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

ННТ ФАОЛИЯТИДАН

# Ҳамфикр ва ҳамқадам

Мамлакатимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш устувор вазифага айланган. Бу вазифани муваффақиятли бажаришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамда 2005 йилдан буён ассоциация тасарруфида иш юритаётган "Меҳр кўзда" нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг серқирра фаолияти билан турмушимизнинг барча қатламларига чуқурроқ кириб бормоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган мазкур марказ аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган бир қанча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Жумладан, "Маҳалла аёллари ақидапарастликка қарши", "Ёшларни, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўшимча касбларга ўргатиш", "Ўзингга ишон" сингари лойиҳалар ҳаётда ўз ўрни, ўз йўлини топишга қийналган қанчадан қанча фуқароларимиз, айниқса, хотин-қизларга ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий мадад бўлаётгани таҳсинга лойиқ.

Ташкилот 2011 йили Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловининг "Тумандаги ишсиз аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашга жалб қилиш" лойиҳаси бўйича ғолиб деб топилиб, молиялаштирилди. Ўз вақтида қўллаб-қувватланган лойиҳани амалга ошириш туфайли Юнусобод туманидаги ишсиз, кам таъминланган 128 нафар хотин-қизга турли касб-ҳунар сирлари ўргатилди. Туман ҳокимлигининг маънавият-маърифат хонаси марказ ихтиёрига берилди.

Айни пайтда гарчи лойиҳада кўзда тутилган натижага эришилган бўлса-да, унинг давомийлигини таъминлаш мақсадида марказ республика Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" ва "Тадбиркор аёл" уюшмалари билан биргаликда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун соҳага оид меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар тўпламини тайёрлаяпти.



— Бундан ташқари, "Турон" маҳалласи ҳудудида "Ўзингга ишон" шўъба корхонасини ташкил этдик, — дейди марказ раҳбари Моҳира Тошхўжаева. — Ўқувчиларимиз бу ерда курс машғулотлари билан биргаликда замонавий тикув машиналарида амалиёт ҳам ўтказадилар. Ҳунарли бўлган хотин-қизларнинг ўзларига бўлган ишончи ортиб, тез кунларда тадбиркорлик фаолиятларини бошлаб юборишмоқда. Агар Мирзо Улуғбек, "Туркистон", "Турон", "Кулолқўрғон" каби маҳаллаларга йўлингиз тушса, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

— Биласизми, оила қуриб, турмушнинг паст-баландини кўргач, ҳаётимизнинг айрим жабҳаларида бўшлиқ борлигини ҳис этаркансан, — дея суҳбатимизга қўшилади Дилфуза Солиҳова. — Мен ана шу кемтикликни сезиб, энди уч бола билан нима ҳам қила олардим, дея руҳан тушкунликка тушиб юрганимда "Меҳр кўзда" марказига таклиф қилишди. Марказ ташаббусини эшитиб, юрагимда яна умид учқунлади.

Мана, кўриб турганингиздек, ҳозир яхшигина тикувчи бўлиб қолдим. Фарзандларим ҳам мен билан ёнма-ён ҳунар ўрганишди, компьютер саводхонлиги бўйича сабоқ олишди. Энди кўнглим хотиржам. Хотиржамлик кишининг ғайратига ғайрат қўшаркан: уй ишларига ҳам, тикиш-бичишга ҳам бемалол улгуряпман. "Ўзингга ишон" шўъба корхонасида ишлашдан ташқари, яқинда "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлиб, ўз фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман.

Марказ фаолият доирасини кундан кунга кенгайтириб, замон билан ҳамнафас одимламоқда. Бу йил Ижтимоий ташаббуслар жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Ўзбекистондаги ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури" биринчи босқичи ғолиби бўлди. Бундан ташқари, "Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнларига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш" гранти соҳиби сифатида эътироф этилди.



Бугунги кунда ННТМАнинг ижтимоий инсонпарварлик йўналиши бўйича ҳам фаолият юритаётган марказнинг эътироф этишга арзигулик ишлари талайгина. Жумладан, ННТМА маслаҳат кенгаши томонидан жамиятда имконияти чекланган фуқароларнинг меҳнат жараёнидаги муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш хусусидаги низом ишлаб чиқилди. Шунга кўра, ҳомий муассаса ва фирмаларни ногиронлар ташкилотларига жалб этиш йўлга қўйилди. Масалан, шу кунларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Тўйчиобод" фермер хўжалигида етиштирилган сифатли маҳсулотлар имконияти чекланганлар жамиятлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга тарқатилмоқда.

Кўриниб турибдики, "Меҳр кўзда" маркази меҳр аталмиш энг гўзал ва энг тотли туйғунинг кўздан кўзга кўчиб, кишиларнинг бир-бирига меҳри-эътибори орқали кўнгил уйига ташриф буюришини амалда исботлашга бел боғлашган. Буни унинг кундан кунга ўз фаолият кўламини кенгайтириб бораётганидан ҳам илғаш қийин эмас.

**Шаҳзода ҲАКИМОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

*Мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.*

МУЛОҲАЗА

# Саломатлик муҳимми *ёки* реклама?

Шу кунларда дорихоналарга кириб қолгудек бўлсангиз, уларнинг харидорлар билан гавжумлигини кўриб ҳайратланишингиз табиий. Биргина Тошкент Тиббиёт академияси иккинчи клиникаси атрофида 15 га яқин дорихона ишлаб турибди. Уларнинг барчаси ҳар доим мижозлар билан тўла.

Бугунги кунга келиб одамлар кимёвий дори воситаларига шунчалик ўрганиб қолдики, ҳатто чақалоқ туғилиши биланоқ оғзига дори тиқишади. Баъзан 2-3 яшар болаларнинг дорини худди конфетдай истеъмол қилишини кўриб ажабланасан киши. Аммо уларнинг инсон организмига маълум даражада салбий таъсири борлиги хусусида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз.

Тошкент Тиббиёт академиясининг «Умумий ва болалар хирургияси» кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Алижон Зоҳидий кимёвий дорилар ва препаратларнинг таъсири ҳақида шундай дейди:

— Маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳон миқёсида дори-дармон савдоси даромад келтириши бўйича қуролярօғ, гиёҳванд моддалар ва одам савдосидан кейин тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, 2009 йилнинг охирига келиб дунё мамлакатларида ишлатилаётган турли номдаги дори-дармонларнинг сони 80 мингдан ошиб кетган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1990 йиллар остонасида 25 мингтани ташкил этган. АҚШ тиббиётида 2000 йил арафасида 20 мингдан, Германияда 24 мингдан, Бразилияда 30 мингдан ва Мексикада 80 мингдан ортиқ турли номдаги дори-дармон воситалари инсонлар "соғлиғини сақлаш" учун қўлланилган. Ваҳоланки, АҚШда уларнинг кимёвий таркиби текширилганида номлари турлича бўлган бу препаратлар борйўғи мингга яқин "исми-шарифи ўзгарган" дорилар экани маълум бўлган.

Бугунги кунда юртимиз ҳудудига кириб келаётган ва дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар "уммони"да шифокорнинг чама олиши анча мураккаблашиб қолмоқда. Тиббиёт тадқиқотчиларининг фикрига кўра, айни чоғда ҳозир шифокорлар 500 га яқин дори-дармон номини хотирасида сақлаб қолиши мумкин экан. Умумий амалиёт шифокори эса кундалик фаолиятида ўртача 100 га яқин дориларни қўллай олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда асосий муддаога ўтсак. Бугун дори-дармонлар рекламаси катта бизнес қоидаларига тўла-тўкис бўйсунади. Бу эса тиббиётдаги айрим муҳим талабларнинг эътиборга олинмаслигига сабаб бўлаётир. Шу ўринда яна бир ажабланарли маълумот: трансмиллий фармацевтик корпорациялар даромадларининг 10 фоизидан камроғини дорилар синтези, уларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилишга, 20 фоизидан кўпроғини эса дори воситалари рекламасига сарфлайдилар!

Таъкидлаш зарурки, дори-дармонлар кундалик истеъмол моллари сирасига кирмайди. Шундай экан, дориларнинг рекламаси ҳам спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламаси каби хусусий манфаатдорликдан бошқа ҳеч нарсани кўзда тутмайди. Сир эмас, айрим дори воситаларининг рекламасида уларнинг тезда таъсир қилиши, узоқ умр кўришга фойдаси, жинсий қувват бағишлаши ва ҳоказолар кўпиртирилади. Бу айрим кишиларнинг мазкур препаратларни шифокорлар билан маслаҳатлашмасдан, ўзбошимчалик билан қабул қилишларига, охир-оқибатда турли асоратларнинг келиб чиқишига олиб келади. Масаланинг энг қалтис тарафи шундаки, бугунги кунда деярли ҳар қандай дори воситасини рецептсиз сотиб олиш мумкин (наркотик таркибга эга бўлганлардан ташқари). Тўғри, 2010 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб дориларнинг фақат рецепт асосида берилиши қонунан мустаҳкамланди. Бироқ бунга кўп жойларда амал қилинмайди, десак, муболаға бўлмайди.

Кўпинча оммавий ахборот воситаларида, кўча-кўйда диққатни ўзига жалб қиладиган рекламалар, плакатларга кўзимиз тушади. Эътибор қилсангиз, уларнинг ҳаммасида "Буйрак ва бовил қилиш йўллари саломатлиги учун табиатнинг бебаҳо инъоми", "Қондаги қанд миқдорининг ишончли назорати", "Юқори самарадорликнинг ишончли ҳамкори", "Бизнинг доримиз — сизнинг онгли танловингиз" каби чиройли жумлалар юртдошларимизда бу дори воситаларига қарамликни уйғотаётгандай.

Мен тиббиёт олими ва амалиёт шифокори сифатида ушбу препаратларнинг аксариятини амалда қўллаб кўрдим. Таассуфки, айримларини ҳисобга олмаганда уларнинг бирортасида анъанавий дориларга нисбатан афзалликни сезмадим. Бу препаратларнинг ҳаммаси анъанавий қўлланиб келинаётган дори-дармонларнинг нархларига қараганда икки-уч баробар қиммат, холос. Демак, мижоз дорининг фақат ялтироқ қутиси, сержило идиши ва алдамчи рекламаси учун қўшимча пул тўламоқда.

Фармацевтика тарихидан маълумки, 1958 йили Германиянинг "Хеми грюнетал" фармацевтик фирмаси "талидомид" препаратини сотувга чиқарган. Фирма раҳбарлари реклама учун маблағни аямаган. Қисқа фурсатда у тинчлантирувчи, уйқуни яхшиловчи препарат сифатида кўплаб мамлакатларда сотилган. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан бу препаратни қабул қилган ҳомиладор аёлларнинг 20 мингдан ортиқ боласи қўлсизоёқсиз дунёга келган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида айтилишича, 2000 йиллар арафасида бир йилда 2 миллиондан ортиқ инсон дориларнинг қурбонига айланган. Бугунги кунга келиб бу кўрсаткич янада ошиб бораётгани жуда хавотирлидир.

Узоққа боришнинг ҳожати йўқ, айни кунда шифокорларимизнинг стол усти қўлланмасига айланган академик М.Машковскийнинг "Дори воситалари" китобида 5 мингдан ортиқ дори-дармонлар хусусида маълумот келтирилган. Уларнинг 4 мингдан зиёдини кимёвий таркибга эга синтетик дорилар ташкил қилади. Табиийки, амалиёт майдонига ташланган бу дориларнинг бирортасида ножўя таъсир ва нохуш аломат йўқ, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Ўқувчилик кезларимда опамнинг қизи шамоллаб қолганди. Шунда қўшни қишлоқлик шифокор уни катта дозада гентамицин билан даволаган. Нотўғри муолажа оқибатида бечора қизнинг қулоқлари бир умр эшитмайдиган бўлиб қолди. Бугун оила қуриб фарзандлар кўрган жияним қўшиқ, мусиқа тинглашдан маҳрум. Нафақат гентамицин, балки сизомицин, тобромицин, канамицин, стрептомицин ҳам одамни кар қилиши, буйрак фаолиятини издан чиқариши, антибиотикларнинг ҳаммаси дисбактериоз ва иммун танқислигига олиб келиши мумкин. Худди шунингдек, тетрациклин, доксициклин, цефалоспорин жигар фаолиятини бузиши, левомицетин қон касаллигига мубтало қилиши, тутқаноққа қарши дориларни узоқ вақт қабул қилиш эса ақлий заифликни келтириб чиқариши эҳтимоли бор. Замонавий тиббиётнинг катта нуқсонларидан бири "дори касаллиги" деган атаманинг пайдо бўлишидир.

*БАЪЗАН ДАВО УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ДОРИНИНГ ЎЗИ КАСАЛЛИККА ҚАРАГАНДА ОҒИРРОҚ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ.*

***Ж.Ларошфуко,***
*фаранг файласуфи ва ҳакими*



Яна бир муаммо: ҳозирги пайтда дори-дармонларни пала-партиш, шифокор маслаҳатисиз, катта дозада ва узоқ муддат қабул қилиш ўзига хос касалликлар гуруҳини келтириб чиқармоқда. Жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётган аллергик касалликларнинг бетўхтов кўпайиб бораётгани чиндан ҳам хавотирлидир. Бунинг оқибатида 2000 йиллар бўсағасида аҳолининг 8,7 фоизида турли аллергик ҳолатлар ва унга мойиллик кузатилган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 16,5 фоизни ташкил этди. Унинг 11,4 фоизини ҳар хил турдаги кимёвий дорилар келтириб чиқаргани аниқланган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида касалликлар таркибида турли-туман патоген замбуруғларнинг ҳиссаси бор-йўғи 3 фоизни ташкил этган бўлса, антибиотикларни пала-партиш қўллаш оқибатида бугунги кунда 20 фоиздан ошиб кетди. Бу ҳолат янги касалликларнинг пайдо бўлиши ва кескин кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, ўтган асрнинг охирларида ҳам иммун танқислиги, цитомегаловирус, герпес каби вирусларни ҳатто шифокорларнинг аксарияти эшитишмаган эди. Бугунга келиб бу атамалар тиббиётдан бутунлай йироқ одамларнинг ҳам кундалик ташвишларига айланиб қолди.

Таассуфки, бугунги кунда ер юзи аҳолисининг 5 фоиздан ортиғи турли гормонал препаратларни умрбод қабул қилишга маҳкум. Албатта, бу ҳам инсон саломатлигига қайсидир даражада салбий таъсир ўтказади. Айтайлик, кортикостероид гормонларини узоқ муддат қабул қилиш иммун тизимининг кескин пасайишига, инфекцияларга мойилликка, қонда қанд миқдорининг ошиб кетишига, баданда шиш пайдо бўлишига, суяклар синувчанлигига, буйрак ва жигарга зарур қувватларнинг етишмаслигига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, беморлар касалликка чалинган заҳотиёқ фақат кимёвий дорилардан шифо топиш ҳақида бош қотирадилар. Аслида, табобатда қўллаб келинган табиий шифобахш ўсимликлар тўғрисида ҳам ўқиб-ўрганилса мақсадга мувофиқдир. Чунки табиий воситалар инсон саломатлигига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди.

Албатта, биз юқоридаги фикрларимиз билан барча кимёвий дорилар фақат салбий оқибатларга олиб келади, дея ҳафсалангизни пир қилмоқчи эмасмиз. Дардга чалинганда, энг аввало, шифокор маслаҳатига қулоқ тутишни, дорилар қабул қилишда меъёрни сақлашни, иложи борича кимёвий препаратларни камроқ истеъмол қилишни тавсия этмоқчимиз, холос. Алалхусус, ҳар биримизнинг саломатлигимиз ўз қўлимизда.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**
**ёзиб олди.**

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИДА

Бугунги кунда халқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига холис, ҳаққоний ва тезкор етказишда, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

# ЮКСАК ЭЪТИБОРГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равнақ топтириш, унинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, «...Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади». Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам соҳани талаб даражасида ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, ўтган давр мобайнида ОАВ ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди. Бугунги кунда республикада жами 53 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 36 таси газета, тўққизтаси журнал, тўрттаси телевидение, иккитаси радио, тегишлилигига қараб биттадан ахборот-бюллетень ва ахборот агентликлардир. Ушбу оммавий ахборот воситаларининг 45 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, шунингдек, бошқа давлат органлари томонидан таъсис этилган. Саккизта оммавий ахборот воситаси хусусий ҳамда аралаш мулк шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган. Мазкур оммавий ахборот воситалари асосан қорақалпоқ ва ўзбек тилларида, шунингдек, рус, инглиз ва туркман тилларида ҳам чоп этилмоқда, кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда олиб борилган амалий ишлар натижасида Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси бугунги кунда минтақадаги нуфузли ахборот воситасига айланди. Телерадиокомпания ҳар куни 14 соатлик кўрсатув ва етти соатлик эшиттиришларни қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида эфирга узатмоқда.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги муассислигида ташкил этилган «Ellikqal'a mahalliy televideniyesi», шунингдек, «TTV-To'rtko'l» масъулияти чекланган жамияти, Амударё туман телевидениеси, «Дийдар медиа» масъулияти чекланган жамиятининг телеканали, «Нукус саяхат» масъулияти чекланган жамиятининг «Nukus FM» радиоси фаолияти ҳам Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, энг муҳими, мамлакатимиз ҳамда халқаро ҳаёт билан боғлиқ турли мавзулардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жараёнлар ҳақидаги тафсилотларни тезкорлик билан кенг оммага етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Элликқалъа туман ҳокимлигининг бевосита кўмаги билан «Ellikqal'a mahalliy televideniyesi» учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий типдаги бинони қуриш ишлари бошлаб юборилгани бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Барча туман ва шаҳар газеталарида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига бағишланган таҳлилий, танқидий мақолалар мунтазам чоп этилмоқда. «Амударё ҳақиқати», «Тахтакўпир тонги», «Чимбой овози», «Шуманай нури» газеталари бу борада, айниқса, фаоллик кўрсатмоқда. Хусусий газеталардан «Нукусская неделя», «Перекресток» газеталари ходимлари ҳам турмушимиздаги муаммолар ечимини топишда ўзига хос йўл тутишган.

Яна бир муҳим янгилик: эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

Ушбу ўзгаришларга муносиб равишда журналистларимизнинг дунёқараши, касбий маҳорати, билим ва тажрибаси ҳам ортиб боряпти. Оммавий ахборот воситаларини замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида Қорақалпоқ давлат университетининг филология факультети қошида журналистика бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида биз, ижод аҳли олдига муҳим вазифаларни қўйган эди. Жумладан, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида таҳририятлар аниқ чора-тадбирлар белгилаб фаолият кўрсатмоқда. Танқидий, таҳлилий чиқишлар туман, шаҳар ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилиб, ўртага қўйилган муаммоларни ечишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, «Мавзуга қайтиб», «Бизга жавоб берадилар», «Мурожаат ортида инсон тақдири» рукнларида берилаётган материаллар кенг газетхонлар ва жамоатчиликнинг диққат марказида турганини эътироф этиш ўринлидир. Бу эса таҳририятлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганидан далолат беради.

Яқинда кутиб олганимиз — энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигини зўр тантаналар билан нишонлаш масъулияти оммавий ахборот воситалари ходимларига чексиз илҳом, ижодий қувват бағишлади. Бу йўналишда махсус рукнлар асосида барча соҳалардаги ислоҳотлар самарасини, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янгича кўрки, салобатини, энг муҳими, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадр-қимматини, кишилар онгу тафаккуридаги ўзгаришларни тараннум этадиган мақола ва очерклар, лавҳаларга кенг ўрин берилди. Тақдиримиз, бахтимиз бўлган эркин ва обод Ватаннинг мустақиллигини мустаҳкамлаётган фидойи инсонларнинг бунёдкорлик фаолияти ОАВнинг доимий эътиборида.

Қорақалпоғистон телеканали орқали намойиш этилаётган «Ойдин келажак йўли» телефестивалида барча туман ва шаҳарлардаги халқимизнинг бунёдкорлик ишлари мунтазам ёритилмоқда. «Менинг юртим — менинг Ватаним», «Мустақиллик солномаси», «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!», «Мустақиллик тенгдошлари» телелавҳалари бугунги дориломон кунларнинг қадр-қиммати, мазмун-моҳиятини англашда катта аҳамият касб этмоқда.

Қорақалпоғистон радиоси ходимларининг фаолияти ҳам шу мавзудаги туркум эшиттиришлар орқали тингловчиларга манзур бўлмоқда.

Рағбат ва эътибор доимий изланишларга чорлайди. Сўнгги уч йил давомида мамлакат миқёсида ўтказилаётган танловларда қатор қорақалпоқ ижодкорлари ғолиб бўлишди. Хусусан, «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловда «Еркин Қарақалпақстан» газетаси бўлим мудири Б.Тилекмуратов, Қорақалпоғистон радиоси мухбирлари Г.Нурбекова, Л.Нуратдинова, «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида «Қарақалпақстан жаслары» газетаси ходимлари А.Турекеева, Г.Турдишева, устоз журналист Ш.Уснатдинов, «Энг улуғ, энг азиз» танловида «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири У.Нугманова ижодларининг муносиб тақдирланиши улар салоҳияти, билим ва ҳаётий тажрибага эга эканидан дарак беради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида мутасадди ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ҳар йили «Энг фаол журналист», «Йилнинг энг ёш фаол журналисти» танловларини ўтказиш анъанага айланди. Бу йил булардан ташқари «Мустаҳкам, соғлом оила — жамият таянчи» кўрик-танлови эълон қилинди, «Озод юрт тўлқинлари» ва «Ёшлар парвози» медиафестиваллари ўтказилди. Ҳар йили ҳамкасбларимиздан 10 нафари Тошкентда ўтказиладиган ҳудудий босма ОАВда фаолият юритаётган ёш журналистларнинг республика марказий нашрларида малака ошириш лойиҳасида иштирок этиб, замонавий билим-кўникмаларини мустаҳкамлаб қайтмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институтининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ҳар икки ойда журналистлар билан давра суҳбатлари, семинар-тренингларни ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган. «Сиёсий партия нашрларида очиқлик ва ошкоралик принциплари. ОАВда давлат идоралари фаолиятини ёритиш, матбуот хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш» мавзусидаги амалий семинар-тренинг, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ёритилганлиги — улар фаолиятининг ижтимоий назоратини амалга оширишнинг энг муҳим омили» мавзусидаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Ушбу тадбирлар ҳамкасбларимизнинг сиёсий етуклигини, амалий тажрибасини, касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган юксак эътибор, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши уларни янада либераллаштириш, эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айланишлари учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эътибор ва рағбатга жавобан матбуот ҳам давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни кенг тарғиб этиш, озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим.

Мен бу йўлда ҳамкасбларимизга ижодий фаоллик ва куч-ғайрат тилайман.

**Кенгесбой РЕЙИМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими раиси**

ТАЖРИБА

# Оилалар хотиржамлиги йўлида

Ҳар бир инсоннинг ўзига хос яшаш тарзи бор. Лекин ундаги умумийлик одамларни бир-бирига боғлаб турувчи муҳим ришталардир. Шулардан бири кузатувчанлик, аниқроқ ифода қилинадиган бўлса, «элга қараб» иш тутишдир. Айрим оила тутумида тажрибаси йўқ, оилавий анъаналарига эга бўлмаган одамлар одатда бошқа бировларга қараб, ўз турмуш тарзини ўзгартиришга интилади, баъзиларига қараб шукур қилади, яна бировларга ўхшамаганидан хурсанд бўлади. Оилалар ҳам инсоннинг ўзи сингари йиллар давомида шаклланади, хатоларидан хулоса чиқаради, қувончларидан таскин олади. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб номланган асарида қайд этилганидек, «ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади».

Ҳа, ҳар бир оила тинч-тотув, фаровон турмуш кечириши учун зарур бўлган муқаддас тушунчаларни шакллантириш, фарзандларини тўғри тарбиялаш орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашга интилади. Бунинг учун юртимизда фуқароларнинг ўзлигини таниб, ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қила олишлари учун шарт-шароитлар муҳайё.

Жорий «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида ҳам оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Дастурда оммавий ахборот воситалари учун белгиланган вазифалар ҳам салмоқли.

Барча меҳнат жамоаларида бўлгани каби «Зарафшон» газетаси таҳририятида ҳам «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Унга кўра йил давомида ҳар ойда бир марта «Оила даврасида» саҳифасини ташкил қилиш, унда ибратли оилалар ҳаётидан мисоллар келтириш, оила бюджетини тўғри тақсимлашга оид тавсиялар, фарзанд таълим-тарбияси, ҳудудлардаги айнан оилалар билан доимий ишловчи хотин-қизлар қўмиталари янгиликларини бериб бориш кўзда тутилганди.

Айни пайтга қадар газетамизда шу номдаги саҳифа режа асосида чоп этилди. Унда «Ибратли оила», «Рўзғор халтаси», «Муштарий тавсия этади» каби янги рукнлар остида мақолалар берилди. Шунингдек, газетада ташкил этилган «Бизда шунақа» рукнида ҳудудлардаги қадриятлар, урф-одатлар, яхши анъана ва ташаббуслар хусусида мақолалар бериш йўлга қўйилди. Бу мавзуда муштарийлар томонидан келаётган мактублар газетада берилмоқда.

«Ёшлигимизда ота-боболаримиз «Меҳмон отангдай улуғ» деб тарбия беришган. Уйга келган меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, қўлига сув қуйиб, қўлимиз кўксимизда уйга таклиф этиш дунё ҳавас қилган энг яхши одатларимиздан бири ҳисобланади, — деб ёзади бир мухлисимиз. — Ҳатто меҳмон келганда уй эгаси болалари тугул мушугига ҳам «пишт» демайди. Меҳмоннинг олдига кемтик идишларда ноз-неъматлар қўйилмайди. Агар даврада ёши улуғ инсонлар ўтирган бўлса, дастурхонга, овқатга улардан олдин қўл чўзилмайди. Бу меҳмонга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Айни пайтда меҳмонга боришнинг ҳам ўз одоби бор. Яъни меҳмонга борган киши уй эгаси айтган жойга ўтириши, рухсатсиз ўрнидан турмаслиги, дастурхонга нима қўйса, очиқ чеҳра билан тановул қилиши керак...» каби урф-одатлар ёки айрим маҳаллаларда кейинги пайтларда спиртли ичимликсиз тўйлар ўтказилаётгани, маърака-маросимларнинг камчиқим ўтказилишига эришилгани каби яхши ташаббуслар ҳам газета саҳифаларида бериб борилаётир.

«...Шу йилги оилавий харажатларимни олдиндан белгилаб қўйдим, — деб ёзади бошқа бир газетхон. — Ўтган йилдагидек, бу йил ҳам коммунал тўловлар ва бошқа зарур сарф-харажатлар қатори фарзандларимнинг соғлом ўсиши учун лозим бўлган сабзавот экинлари, мева-чеваларга, сут, гўшт, балиқ, товуқ маҳсулотларига алоҳида маблағ ажратилди. Қолаверса, болаларнинг турли спорт тўгаракларига қатновини йўлга қўйиш, газета-журналларга обуна бўлиш, китоб сотиб олиш учун ҳам пул тақсимланди. Ўтган йили режали ишлатилган маблағ шу кабиларнинг ҳаммаси учун етарли бўлди. Демак, ҳамма гап режали иш қилиш ва аниқ ҳисоб-китобда экан».

Кейинги пайтларда таҳририятимизга келаётган бу каби мактубларнинг сони ошаётгани қувонарли. Шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Самарқанд вилоят давлат музей-қўриқхонаси таҳририятимиз билан ҳамкорликда профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар ўртасида «Оила — бахт қўрғони» танловини эълон қилди. Бугунгача ушбу танловга келган ўнга яқин фотосуратлар газетада чоп этилди.

Йил бошидан бери газета сайтида ҳар ойда бир марта оилавий масалалар билан боғлиқ сўровнома ўтказилаяпти. Сўровнома натижалари газетанинг «Оила даврасида» саҳифасида бериб борилаётир. Бундай сўровномалар маълум бир мавзулар юзасидан жамоатчилик фикрини билишда ҳам қўл келмоқда. Интернет орқали сўров ўтказишнинг ҳар томонлама қулайлиги, тезкорлиги таҳририят учун ҳам, ўқувчи учун ҳам маъқул бўлаётир.

Ахборот оқими ҳар қачонгидан ҳам улкан миқёс касб этган бугунги кунда аҳолини тўғри ахборот билан таъминлаш, маълумотларни ўз вақтида етказиш бугунги ОАВ олдида турган энг муҳим вазифалардан бири саналади. Хусусан, оила билан боғлиқ, ундаги соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги мақолаларни тайёрлашда, ибратли оилаларни ёритишда ҳам услубий, ҳам шакл жиҳатидан янгиликларни излаб топиш, жорий этиш, фотосуратларда одатийликдан қочиш лозимлигини бугун оммавий ахборот воситалари ходимлари англаб етишган. Табиатнинг шоҳ асари бўлмиш оилалар равнақи йўлида бу каби изланишлар ўзининг ижобий натижасини бериши бор гап.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Зарафшон» газетаси мухбири**

ТАДБИР

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида: "Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир", дея таъкидлаганди. Ана шундан келиб чиқиб, парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Парламент ва жамоат назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида матбуот конференцияси ташкил этилди.

# ИМКОНИЯТЛАР САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Қўмита раиси Абдурашид Жўрабоев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов ва бошқалар ўз маърузаларида оммавий ахборот воситаларига давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, ўзимизда ҳамда хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, миллий ахборот соҳасини ривожланган давлатлар эришган ютуқлар, юқори талаб даражасига кўтариш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталдилар.

Айниқса, Юртбошимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида таклиф қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан қўмита қошида экспертлар гуруҳи иш олиб бораётгани диққатга сазовордир. Экспертлар гуруҳи томонидан оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи 20 та қонун, 50 дан зиёд қонун ҳужжатлари амалий, назарий жиҳатдан таҳлил этилиши билан бир қаторда Австрия, АҚШ, Германия, Франция, Япония сингари хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари билан қиёсий таққослаш йўсинида ўрганиб чиқилди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлмиш журналистларнинг ахборот олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида аккредитациядан ўтказиш, веб-сайтда ахборотни бир ҳафтадан оширмасдан янгилаш сингари масалалар муҳокамаси иштирокчилар диққат марказида бўлди. Айниқса, ахборот олишнинг беш кунлик тартибли тизимининг қонун доирасига киритилгани қувонарли ҳолдир. Негаки, баъзан давлат бошқаруви органларидан маълумот олиш узоқ муддатларга чўзилиб, ахборотнинг ўз қимматини йўқотиш ҳолатлари ҳам учраб турар эди.

Журналистлар билан бўлган мулоқот жараёнида Концепцияда илгари сурилган қонунлар лойиҳаларини маромига етказиш, амалдаги қонунчилик бўшлиқларини тўлдириш мақсадида соҳага доир қонунлар лойиҳаларини дахлдор идоралар ва жамоатчилик билан муҳокама қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Шаҳзода ҲАКИМОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

ДАРАКЛАР

### САМОЛЁТ ЁНИБ КЕТДИ

**China Airlines авиакомпаниясининг Тайван ҳаво йўлларига қарашли "Boeing" русумли йўловчи ташиш самолёти Японияниг Окинава оролидаги аэропортга қўниши билан ёниб кетди.**



Япониянинг транспорт вазирлиги вакили Акихико Тамуранинг сўзларига қараганда йўловчиларни ёнаётган самолётдан қутқариш ишлари тез ва кўнгилдагидай амалга оширилган. Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, учувчилардан бири ўзини самолёт ойнасидан ташлаган. Йўловчиларни қутқариш учун атиги 10 дақиқадан кўпроқ, алангани ўчириш учун эса салкам бир соат вақт керак бўлган.

Самолёт бортида 165 нафар йўловчи бор эди. Юзага келган бу кўнгилсизлик туфайли 5 нафар йўловчи жабрланди. Шунингдек, ўт ўчирувчилардан ҳам 3 кишига тиббий ёрдам кўрсатишга тўғри келди.

Ёнғин сабаблари ҳозирча маълум эмас. Япония полицияси ёнғин қолдиқлари орасидан воқеа сабабларига асос қидиришмоқда. Улар бу фалокатнинг содир этилишида террорчилик ҳаракати белгилари йўқлигини маълум қилди.

### ГАЗЛИ ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИ ТЎХТАТИЛАДИ

**2013 йилнинг март ойидан бошлаб Нью-Йоркда газланган ширин ичимликларни сотиш расман тақиқланадиган бўлди. Шу йилнинг 13 сентябрь куни шаҳар Мэри Майкл Блумберг эълон қилган бу ташаббусни шаҳар соғлиқни сақлаш қўмитаси аъзоларининг деярли барчаси қўллаб-қувватладилар.**




Бундай қарор қабул қилинишига сабаб газланган ширин ичимликларни истеъмол қилган нью-йоркликларнинг ҳаддан ташқари семириб кетиш хасталигига мубтало бўлаётганидир. Фастфудлар, ресторанлар, театр ва кинотеатр заллари, стадионлар, кўча-кўйда юқорида қайд этилган ичимликлар савдоси тўхтатилади. Бироқ уларни магазинларда сотишга рухсат берилади. Айни пайтда мазкур тақиқ сутли ва спиртли ичимликларга ҳамда шарбатларга жорий қилинмайди.

Бундай қарор Нью-Йоркда истиқомат қилувчиларнинг барчасига бирдек маъқул келмади, албатта. Ҳатто айримлар бу тақиқни инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиш, ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш деб ҳисоблаб, судга мурожаат қилишлари мумкинлигини билдиришди.

Маълумотларга қараганда бугун Нью-Йорк аҳолисининг ярмидан кўпроғи, мактаб ўқувчиларининг салкам ярми хомсемиз бўлиб қолишган.

### АНТИҚА ЎҒРИЛИК

**Шри-Ланкада ўтган "Facets Sri Lanka" заргарлик буюмлари кўргазмасида ўғрилик содир бўлди. Кўргазма иштирокчиларидан бири намойишга қўйилган қимматбаҳо олмосдан ишланган буюмни ютиб юборган. Ўғрилик мақсадида қимматбаҳо тошни ошқозонига жойлаган 32 ёшли жиноятчи воқеа жойида қўлга олинган.**



Мазкур воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишича, номаълум шахс қимматбаҳо тошлар турган витрина ёнига бориб, олмослардан бирини кўрсатишни сўрайди. Ушбу ноёб буюмни синчиклаб кўздан кечирган ўғри уни зудлик билан ютиб юборади. Воқеадан ҳайратда қолган кўргазма ходими дарҳол полиция ходимларига мурожаат қилган. Тахминан ўн беш минг АҚШ долларига баҳоланаётган мазкур заргарлик буюмини шифокорлар жиноятчининг ошқозонидан қийинчиликсиз чиқариб олган.

### СУНЪИЙ КЎЗ

**Австралиялик шифокорлар мураккаб жарроҳлик амалиётини амалга оширди. Хабарларга қараганда, кўзидан айрилган бир аёлга сунъий кўз ўрнатилган. «Бионик», деб номланган ушбу сунъий кўз процессор ва видеокамерадан иборат.**



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, ҳозирча бемор фақат оқ ва қора рангларни ажрата олаяпти ҳамда тўсиқларни кўра олаяпти, холос. Шифоркорлар беморнинг тиниқ кўриши учун "кўз ускунасини" янада такомиллаштиришни режалаштирмоқда.

ЎзА ва интернет хабарлари асосида М.НАРЗИЕВ тайёрлади.

Шарҳ

# ЖАҲОЛАТ МАШИНАСИ ХУРУЖИ

**Бугун дунё уммонда таҳликали чайқалаётган улкан кемага ўхшаб турибди. Бойлик, манфаат, нафс балоси, шунингдек, ўзгалар устидан ҳукмронлик қилиш, уларнинг ерости ва ерусти захиралари устидан назоратни қўлга киритишга бўлган уринишларининг турли шаклларда давом этаётганлиги ана шу кемадаги одамлар тинчлигини издан чиқармоқда. Ҳатто дунё харитасидан хавфсиз ва барқарор минтақани топишнинг ўзи қийин бўлиб қолди.**



Бир вақтлар «Яқин Шарқ тинчлиги — олам тинчлиги» деган ибора пайдо бўлганди. Негаки, Яқин Шарқ муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий минтақа бўлибгина қолмай, кўп сонли миллатлар ва турли диний мазҳаб вакиллари истиқомат қиладиган ҳудуд ҳамдир. Шу боис, қадимдан Яқин Шарқда мустамлакачилик урушлари, ички низолар, зиддиятлар узоқ давом этган. Айтиш жоизки, бугун ҳам Яқин Шарқ аланга ичида ёнмоқда. Айниқса, "араб баҳори" деб аталмиш исёнлардан кейин на Мисрда, на Баҳрайнда, на Тунис, на Сурия ва на Яманда осойишталик бор. Бунинг устига "Мусулмонларнинг гуноҳсизлиги" фильмининг интернет саҳифаларига жойлаштирилиши ва унда диний ҳиссиётларга тегадиган саҳналарнинг намойиш этилиши олов устига мой сепгандек бўлди. Фильм режиссёри Алан Робертснинг қабиҳона тутган бу ҳаракати оқибатида бирданига дунёнинг 20 га яқин мамлакатида ўнлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган аксиламерика кайфиятидаги норозилик намойишлари бошланиб кетди. Хусусан, бу ҳол шусиз ҳам нотинч бўлган Афғонистонда норозилик намойишлари билан бир қаторда халқаро коалиция кучларига қарши ҳужумларнинг кучайишига туртки берди. Айниқса, мамлакат жанубидаги Забул, Хилманд ва Нангархардаги коалиция базаларига шиддатли ҳужумлар уюштирилди. Ливиянинг Бенғози шаҳрида эса радикал кайфиятдаги оломоннинг АҚШ элчихонасига ҳужуми натижасида элчи Кристофер Стивенсдан ташқари дипломатик миссиянинг 3 нафар ходими ҳалок бўлди. Мана шу воқеаларнинг ўзиёқ демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан бошқариш, шу мақсадда ахборот хуружларидан кенг фойдаланиш хунук оқибатларга олиб келишини яна бир бор яққол намоён этди.

Дунё нотинчлиги бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Шу кунларда кичик бир орол юзасидан Хитой ва Япония ўртасидаги зиддият туфайли Жануби-Шарқий Осиёда ҳам кескинлик қалқиб юзага чиқди.

Дунё миқёсида ҳосил бўлган таранглик Эрон ва Ғарб, иккинчи томондан Эрон ва Исроил ўртасида қуролли можаро юзага келиши эҳтимолини янада кучайтириб юборди.

Кузатувчиларнинг фикрича, бугун Яқин Шарқнинг аланга ичида қолишида кўп жиҳатдан «ахборот уруши» мутахассисларининг айби бор. Маълумки, ахборот уруши деганда бир мамлакат ёки давлатлар бирлашмаларининг иккинчи бир мамлакатга қарши оммавий ахборот воситалари (босма ва электрон матбуот, интернет) орқали амалга ошириладиган хуружлари тушунилади. Аксарият ҳолларда, ҳатто ғоявий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаришда шундай сохта ахборотлардан фойдаланиладики, бу оддий фуқароларнинг ахборотнинг рост ёки ёлғонлигини ажратолмай қолишига ҳам олиб келади. Мақсад эса нишонга олинган мамлакат ва унинг раҳбарлари обрўйига путур етказиш, ўша мамлакат қуролли кучлари ва тинч аҳолисини ҳокимиятга қарши қайраш, келажакда қўлланилиши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларни оқлаш ва далиллаш, рақиб ёки душманнинг геосиёсий ҳуқуқларига монелик қилишдан иборатдир.

Энг ёмони, бундай ахборот оқимлари омма тафаккурига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Афсуски, одамлар кўп ҳолларда ахборотнинг сохта ёки ҳаққоний эканлигини текшириб ҳам ўтирмайдилар.

Бир вақтлар Ироққа қарши ҳарбий кампания бошланиши олдидан жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ироқ хусусида фақат салбий образ шакллантирилган бўлса, бугунга келиб Сурия ахборот ҳужумига дучор этилди. Ҳатто юз берган кичик бир тўқнашув ёки бир гуруҳ оломон намойишининг бўрттириб кўрсатилиши жаҳон жамоатчилиги онгида Сурияга нисбатан салбий фикрнинг шаклланишига олиб келди. Олайлик, Сурия ҳукуматининг кичик бир квартални ноқонуний қуролли гуруҳ аъзоларидан тозалаш жараёнида тинч аҳоли вакилларидан бирортаси ҳалок бўлса, бу кўпиртирилмоқда, аммо қуролли мухолифатнинг ўнлаб бегуноҳ фуқаролар ўлимига олиб келган Дамашқ, Алеппо ва Идлиб каби шаҳарлардаги террорчилик ҳаракати деярли қоралананаётгани йўқ.

Сайёрамизнинг турли бурчакларида, турли мақсадларда ахборот хуружи алангалатиб турилган бир пайтда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳар бир мамлакат турли сиёсий кучларнинг стратегик режаларини амалга ошириш учун халқаро майдонда илгари сурилаётган ниқобланган сиёсатнинг асл моҳиятини ўз вақтида англаши ва бунга қарши муносиб чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. Шундоқ ҳам қудратли сиёсий кучларнинг табиий бойликларга эга бўлган мамлакатларга нисбатан олиб бораётган ғаразли мақсадлари улкан минтақаларда тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлат манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига сабаб бўлаётганини жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар кўрсатиб турибди.

Афсуски, дунё матбуоти фақат ахборот тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, маълум бир гуруҳлар, ўз манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилаётган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга тиқиштиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг ишончли қуролга айланиб қоляпти. Матбуот аталмиш қудратли "машина" одамлар онгига таъсир этувчи, бунёдкор ёки, аксинча, бузғунчи ғоялар тарқатувчи восита, айтиш мумкинки, мафкура қуроли номини олишга ҳам улгурди.

Шу ўринда глобаллашувни "яхлит дунёнинг шаклланиши, танҳо жаҳон маданиятига эга халқаро ҳамжамиятнинг таркиб топиши жараёни" сифатида талқин қилаётган бир гуруҳ олимлар ва уни тарқатиш билан машғул матбуот — "тарғибот" машинасининг инсониятга етказадиган зарари жаҳолат ва ақидапарастликдан келадиган зарардан асло қолишмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Умуман, бундай хавф-хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёни таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамиятлар ҳаётига шиддат билан кириб келишда давом этмоқда. Уларнинг зарарли, тузатиб бўлмас оқибатларини, афсуски, ҳамма ҳам бирдек ҳис қилавермайди. Уни янада кенгроқ ёйиш пайида бўлган кучлар эса, аввало, ҳар қандай жамиятнинг таянчи бўлмиш, ҳаёт ҳақида тасаввури тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни турли ниқоблар, биринчи галда сўз ва фикр эркинлиги ниқоби остида чалғитишга уринадилар. Чунки инсоннинг қалби ва онги заҳарланса, кейин уни аввалги ҳолатига қайтариш осон кечмаслиги, бу муайян халқ ва миллатни қуролсиз, осонгина маҳв этишнинг энг мақбул усули эканлиги тарихдан маълум.

Биз бугун қайси бир мамлакатда фаолият юритаётган ОАВ фаолиятини таҳлил этмайлик, улар кўп ҳолларда ана шу жамиятнинг миллий манфаатларига қайсидир даражада хизмат қилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Кўз ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этган, воқеа-ҳодисаларни холис шарҳлаётган, уни одамларга аниқ-тиниқ етказа оладиган матбуотгина мамлакатлар ва халқлар тинчлиги ҳамда барқарорлигига ҳисса қўшган бўлади. Шубҳасиз, дунёни қайтадан бўлиб олишга уринишлар бўлиб турган бир пайтда огоҳ ва ҳушёр туриш, одамларда зарарли ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг олдимизда турган муқаддас бурчдир.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

### ШОКОЛАД ЮРАК ВА МИЯНИ ҲИМОЯЛАЙДИМИ?

**Швециядаги Каролина қироллиги институти олимлари 49 дан 75 ёшгача бўлган 37100 нафар эркаклар орасида 10 йил давомида шоколаднинг инсон саломатлигига таъсири хусусида тажриба олиб бордилар. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳар ҳафтада жилла қурса, бир бўлак шоколад истеъмол қилган одамлар умуман шоколад тановул қилмайдиганларга нисбатан инсульт хасталигига 17 фоиз камроқ дучор бўлишган.**



Мутахассислар буни шоколад таркибидаги антиоксидант, антикоагулянт ва шамоллашга қарши хоссалари мавжуд бўлган флавонид билан боғламоқдалар. Бундай моддалар инсон организмини юрак-қон томир касалликларидан ҳимоя қилади. Шунингдек, шоколад таркибидаги флавонидлар қондаги холестерин миқдорини пасайтириши ва қон босимини камайтириши мумкин экан.

### ПИЁЗ САРАТОНГА ҚАРШИ НЕЪМАТ!

**Халқ табобатида бирорта касаллик йўқки, унинг олдини олишда пиёздан фойдаланилмаса. Ҳатто айрим халқлар пиёзни илоҳий ўсимликлар қаторига қўшишади. Чунки бу ўсимлик ўз пайтида ўша халқларнинг жангчиларига жасорат ва куч бағишлагани маълум бўлган.**



Халқ табобатида 4000 йилдан буён пиёздан фойдаланилади. Ҳатто Миср эҳромларини тиклаган қулларга ҳам (чарчаб қолмасликлари учун) пиёз едиришган экан.

Дарҳақиқат, олимлар пиёзнинг кимёвий таркибини текшириб кўриб унда A, $B_1$, $B_2$, PP, C витаминлари, кальций ва фосфор тузлари, фитоциндлар, лимон ҳамда олма кислотаси, глюкоза, сахароза, фруктоза, мальтоза каби қанд моддаларининг мавжудлигини аниқладилар.

Пиёзнинг бундай ноёб таркиби боис ундан бугун нафақат халқ табобатида, балки тиббиётда ҳам онкологик хасталикларни даволашда кенг қўлланилаяпти. Ўтказилган илмий тадқиқотларда бошли пиёз кўп истеъмол қилинадиган ҳудудларда саратонга чалиниш ҳолатлари жуда кам учраши аниқланган. Тиббиёт тарихида қайд этилишича, саратонга чалинган беморлар пиёз ва саримсоқпиёз еб юргани боис атиги 2 ҳафтада бу касалликдан буткул халос бўлган экан. Яна бир мисол: англиялик Ф.Чичестер исмли фуқарога ошқозон саратонига чалинганлик ташхиси қўйилган, у руҳий тушкинлик гирдобида сўнгги марта тоққа сайрга йўл олади. Бу ерда тошқинга дуч келади ва қутқарувчилар уни халос этгунларича, ўзи билан олиб чиққан егуликлар (улар орасида пиёз кўпроқ) билан озиқланиб туради. Уни қутқарувчилар касалхонага келтиришганда Ф.Чичестер анча озиб кетган эди. Шунга қарамай, тиббий текширувда саратон аломатлари бутунлай барҳам топганини кўриб, шифокорлар ҳайрон қолишди.

Аммо саратонни пиёз ёрдамида даволаш ҳаммага бирдек тўғри келавермайди. Буйраклари қаттиқ шикастланган, жигар, ошқозон-ичак йўлининг ўткир касалликларида у ножўя таъсир кўрсатиши мумкин. Пиёз таркибидаги гликозидлар юрак фаолиятига ҳам салбий таъсир ўтказади. Шундай экан, юраги безовта қилиб турадиган инсонларга ҳам пиёзни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилишлари тавсия этилмайди.

СОҲА ЖОНКУЯРЛАРИ

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАТЕМАТИКА

Халқимиз фаровонлиги ва миллий тараққиётимиз истиқболини илм-фансиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилар маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини кучайтириш, дунёвий илм-фанни миллий қадрият сифатида ривожлантириш объектив заруратга айланган ҳозирги шароитда математика фанининг шахс ва жамиятни тараққий этишидаги ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эга.

Қадимдан Шарқ математиканинг илк ватани эканлиги жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан аллақачон эътироф этилган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан деярли барча улуғ мутафаккирлар риёзиёт (математика) ва мантиқ илми билан самарали шуғулланганлар. Буюк ватандошимиз Мусо Ал-Хоразмий ўзининг "Китоб ал-жабр вал-муқобала" (IX аср) асари билан алгебрага асос солган. У Оллоҳнинг ягоналиги, оламнинг бирлиги инсон ақл-заковати томонидан "бир"нинг англаниши билан боғлиқ эканлигини, агар "1" бўлмаганида "2" ҳам бўлмаслигини мантиқий далиллар билан исботлаган.

Инсон фикрлаш, сўзлаш, ишлаш, яратиш ва бошқа қобилиятлари билан барча тирик мавжудотлардан юқори мақомда туради. Табиийки, ундаги қобилиятлари ўз-ўзидан ривожланмайди, балки ижтимоий муҳитда тарбия жараёнида такомиллашади. Инсон эга бўлган ақлий имкониятлар ичида энг муҳими ва қимматлиси, фикрлаш қобилиятидир. Уни шакллантириш учун азал-азалдан турли усуллардан фойдаланишган. Халқ топишмоқлари, чистонлар инсон ақлини чиниқтириш ва такомиллаштиришга ёрдам берган, одам боласи кундалик ҳаётда йўл қўйган хато ва камчиликларидан сабоқ олиш орқали ҳам ўзининг фикрий қобилиятини такомиллаштирган. Айниқса, математика фан сифатида шаклланганидан сўнг инсоният ўзининг яна бир фикрлаш қобилиятини такомиллаштириш, интеллектуал камолотга эришиш имконига эга бўлди.

Спорт соҳасида ўрнатиладиган ҳар бир жаҳон рекорди ҳазрати инсоннинг жисмоний куч-қудрати, бардоши, имконияти қай даражага етганлигини кўрсатса, математика ақлий камолот чўққиларини белгилайди. Одам фикрий теранлик туфайли ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш имкониятига эга бўлади.

Математика туфайли инсоннинг бутун руҳий олами қатъий тартибга тушади. Ақл тўғри ишлашга, тил рост сўзлашга одатланади. У инсондан собитқадамликни, диққат-эътиборни бир нуқтага жамлашни , ирода ва сабот-матонатни, жиддийлик ва ростгўйликни талаб этади. Математика инсон тафаккури



ва хулқ-атворида туб сифат ўзгаришларини вужудга келтиради.

Ушбу фаннинг кўҳна шарқ донишмандлари томонидан "риёзиёт", "ал-жабр" деб аталишида чуқур маъно бор. Математика билан шуғулланиш руҳни изтироб чекиши, уқубатли масалани ҳал этишга зўр беришдир. Худди тўлғоқдан дард чекаётган она фарзанд туғилиши биланоқ изтироблари қувонч билан алмашгани сингари мушкул масала устида соатлаб қийналган олим масала ечимини топиши биланоқ вужудини қувонч ҳисси қамраб олади. Бу тана роҳати эмас, балки фақат инсонгагина хос бўлган маънавий интеллектуал роҳатланишдир. Ғоят мураккаб масалаларни ҳал этишга одатланган ақл учун эса кундалик ҳаётдаги муаммоларни бартараф этиш асло қийинчилик туғдирмайди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий тафаккур ва фалсафий дунёқарашимизда туб сифат ўзгаришлари рўй бера бошлади. Бугун ҳар биримиз интеллектуал-маънавий тараққиётсиз ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмаслигига, халқимиз маънавиятини юксалтириш, илм-фанни ривожлантириш орқалигина озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мумкинлигини яхши англаймиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини янада муваффақиятли амалга оширишимиз учун, энг аввало, мактабларимизда ўқитилаётган аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг шахс камолоти ва жамиятимиз ривожидаги ўрнини теран идрок этишимиз, фан фан учун эмас, балки фан тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қилиши лозимлигини чуқур англашимиз, замонавий ахборот технологияларини миллий қадрият даражасига кўтаришимиз, илмий тафаккурни ривожлантиришимиз ҳаётий заруратга айланганини таъкидлаш лозим. Ўтган XX асрда бутун инсоният ҳаётида рўй берган барча мўъжизалар — космонавтика равнақи, сунъий ақл (кибернетика)нинг яратилиши, атом энергетикасидан тинч мақсадларда фойдаланиш, ахборот-коммуникацион технология (компьютер, интернет) ва бошқалар, ҳеч шубҳасиз, математика эришган буюк ютуқлардир.

Ушбу фаннинг инсон интеллектуал тараққиётидаги ўрни ҳақида гапирар эканман, ёш авлодга бу фанни ўргатишга умрини бағишлаган ҳамкасбларим хаёлимдан ўтади. Инсон меҳнатининг эътирофи уни бу йўлда чеккан заҳматларини унутишга ва бу йўлда собитқадам бўлишида асосий роль ўйнайди.

Бизнинг Боғдод туманимизда кўплаб математик устозлар бўлиб, машаққатли лекин шарафли касбни танлаб ёшларга риёзиётдан таълим берган айримларини ажратиб айтишни хоҳлар эдим. Улардан марҳум Каримжон ака Холдоров халқ таълимининг ажойиб ташкилотчиси, туманда биринчи математик аёл марҳум Фарзиниса опа Муҳиддинова, халқ маорифи аълочиси Аниса опа Дилмуҳаммедова, мураккаб масалаларни ажойиб ечимларини топадиган марҳум Ёқубжон ака Ҳошимов, Ҳошимжон ҳожи ака Абдураҳмонов, Нўмонжон Мелибоевлар бўлса, улар билан бир сафда фаолият кўрсатган, ҳозирда нафақада бўлиб ҳаёт гаштини сураётган Абдуҳалим Усмонов, Қаҳҳоржон Қодиров, Маъмуржон Эшболтаев, Адҳамжон Усмонов, Абдували Пўлатов, Муқаддасхон Ҳамидова, Лобархон Ҳошимова ва бошқа ҳамкасбларни таълим соҳасида, нафақат таълим, балки бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётган минглаб шогирдлари ва ҳамкасблари улкан миннатдорлик билан эслайдилар, қадрлайдилар. Улар ҳақиқатан ҳам ўз касбининг, ўз фанининг фидойиларидир.

Ҳозирги кунда ҳам туманда шундай ижодий муҳит сақланиб келмоқда. Ажойиб устоз, "Шуҳрат" медали соҳиби Муҳаммаджон Деҳқонов тест ечишнинг "пири" ҳисобланса, Тожимамат Худоберганов, Қаҳрамонжон Исмоилов, Муроджон Назаров ва бошқа ўқитувчилар кекса авлод анъаналарининг муносиб давомчиларидир.

**Тўлқинжон КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси**
*Боғдод тумани*

МЕҲР – ДУНЁ УСТУНИ

# Кўнгил гултожи

Инсоннинг энг ноёб, энг қимматли туйғуларидан бири меҳр-оқибатлиликдир. Баъзан чойхонада улфатлар билан кунлаб ўтиришга вақт топадиган биз – эркаклар, муштипар опа ёки синглимизни, ака ёки укамизни ойлаб атиги бир марта йўқлашга фурсат тополмаймиз, шундай эмасми? Иш, турмуш ташвишларини баҳона қилиб, кекса ота-онамизнинг ёнида ўтириб бироз гаплашишга вақтимизни қизғанамиз. Аслида, уларнинг меҳрига қониш, дийдорига тўйиш ҳар қандай муҳим ишдан муҳимроқ эканини кеч англаймиз.

...Эмишки, қадим замонларда бир қабила хонга қарши исён қилибди. Исённи бостириш учун хон сарбозларини жангга жўнатибди. Лашкарбоши қаттиқ жангдан сўнг исёнчиларни банди этиб, пойтахтга қайта бошлабди. Йўлда кетаётганида уни қорақурт чақиб олибди-ю, ҳаёти хавф остида қолибди. Бунинг давосини шу ерлик бир табиб аёл биларкан, уни дарҳол топиб келтиришибди. Зарур муолажалардан сўнг лашкарбоши соғая бошлабди. Бир неча кундан кейин эса у бутунлай тузалибди. Шунда лашкарбоши ҳалиги аёлни чақириб дебди:

— Эй доно табиб, сен менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг, эвазига битта тилак тила.

— Муҳтарам зот, тилагим шуки, асирлар орасида яккаёлғиз бир укам бор, шуни озод этсангиз.

— Билишимча, асирлар орасида эринг ва ўғлинг ҳам бор экан, нега сен уларни эмас, укангнинг ҳаётини сўраяпсан.

— Гапингиз ҳақ, улуғ лашкарбоши. Уларнинг ҳар бири мен учун азиз, аммо сиз фақат биттагина тилагимни бажо келтиришга ваъда бердингиз. Шу боис, укамнинг ҳаётини тиладим. Негаки, ҳали ёшман, яна оила қуришим ва албатта фарзанд кўришим мумкин. Аммо ота-онам аллақачон оламдан ўтиб кетишган, агар шу биттаю битта инимни ўлдирсангиз, кейин бирорта ҳам жигарим қолмайди.

Лашкарбоши аёлнинг ақл-заковатига тан бериб, укаси, унга қўшиб эри ва ўғлини ҳам банддан озод қилган экан.

Ҳа, ака-ука, опа-сингиллар ва бошқа қавм-қариндошлар билан қардошлик ришталарини доим мустаҳкам қилиб юришда ҳикмат ва барака кўп. Инсон ҳамиша ён-атрофидагилардан, қавм-қариндошларидан меҳр-оқибат кутиб яшайди. Зотан, баъзан дунёнинг бойлиги ҳам бир оғиз ширин сўз, таскин-таскин-таcаллининг ўрнини боса олмайди-да. Аммо бугунги кунда айнан ака-ука, ота-бола, қариндош-уруғлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилиб, унинг ўрнини қандайдир майда-чуйда моддиятлар эгаллаётгандек, назаримда. Зеро, тақдир тақозоси билан узоқда яшаётган акангиз ёки укангиздан бир оғиз "ассалому алайкум" ёки "соғ-саломатмисиз?" деган каломни эшитиш, меҳр-оқибатдай неъмат тақчиллашиб бораётганига кўп ҳолларда ўзимиз ҳам гувоҳ бўляпмиз, эшитаяпмиз.

Бир танишим билан бўлиб ўтган суҳбат асноси меҳр-оқибатга келиб тақалди-ю, юрагидагини тўкиб солди:

— Худога шукур, ҳеч нолийдиган жойим йўқ. Оилам тинч, бола-чақам соғ-саломат. Фақат кейинги пайтларда одамлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб бораяптими, деб ташвишланиб қолдим. Ака-укаларим вилоятда туришади. Кичик укам билан ҳар замонда, унда ҳам мен телефон қилсам гаплашиб турардик. Яқинда ўзи қўнғироқ қилиб қолса денг. Қуёш қаёқдан чиқди, деб теримга сиғмай қувондим. Маълум бўлишича, укам чет элга ишга жўнаётган ўғлини кутиб олиб, кейин Тошкентдан самолётга ўтказиб юборишимни илтимос қилиш учун йўқлаган экан. Тўғриси, бироз оғриндим. Юз амри иссиқ, ўзига ҳеч нарса демадим-у, ўғли иши битгунича икки кун меҳмоним бўлди. Хуш-хурсанд кузатиб юбордим. Бу ҳақда укамга хабар бердим. Хурсанд бўлиб раҳмат айтди. Аммо... бошқа қўнғироқ қилмади.

Буниси ҳам майли, ана шундай меҳрсизликдан кўнгли ранжиган саксонга кирган мана бу онаизорнинг ҳасратига нима дейсиз?

— Тақдиримдан нолисам, Яратганга шаккоклик бўлади. Уч қиз, тўрт ўғил, элликдан ортиқ невара-чеварам бор. Лекин ўғилларим сал меҳрсизроқ чиқиб қолди. Учинчи ўғлим билан девор-дармиён, лекин алоҳида ҳовлида тураман. Чолимнинг вафотидан кейин шу ўғлим отасининг номидаги "Жигули"ни ўзига ўтказиб, сотди. Ўрнига "КамАЗ" олди. Кейинчалик унинг устига "Дамас" машинасини харид қилди. Юк машинани ижарага берди-ю, ўзи "Дамас"-да ўн йиллардан кўпроқ ишлади. Орада болалари катта бўлди, "Дамас" ҳам эскирди, "КамАЗ" ҳам "тўкилди". Хуллас, ўғлимнинг тирикчилиги қийинлашиб ўтган йил ёзда "Четга ишга кетаман"га тушиб қолди. Шунча ялиндим-ёлвордим: "Болам, узоққа бориб кўп пул топаман, деб овора бўлма. Мана ўзингнинг 25 сотих томорқанг бор, менинг 30 сотихдан зиёд ерим бор. Иккита томорқага ҳам тўлдириб экин эк, икки катта ўғлингни ёнингга олиб деҳқончилик қил. Менга қарашли қўй, сигирларни ҳам ол, боқ. Фақат сизлар хурсанд бўлиб, яхши еб-ичиб кўз олдимда ўтирсангиз бўлди. Менга шунинг ўзи бас, дедим. Қаёқда, гапга кўнмади. Мени зор қақшатиб жўнаб кетди.

Уч ой ўтиб, қайтиб келди. Аввал у ёқдаги ишларини роса мақтади. Аммо маълум бўлишича, қишда буйрагини шамоллатибди. "Барибир ўзингнинг Ватанингга келмас экан", деди охири. Шундан кейин анча вақт кетишдан гапирмай юрди. Шу йил январда кимларнингдир гапига кириб, мен билан ҳатто хайр-хўшлашмасдан яна кетиб қолибди. Қиш бўйи тортган азоб-уқубатларимни мен гапирмай, сиз эшитманг. Келиним, невараларим ҳолинг нима, дейишмади. Еган-ичганим татимади. Бунинг устига, қаричилик дегандай...

Қиз бола палахмон тош дегандек, уч қизимни ҳам узоққа турмушга берганман. Ҳалиям шулар бор экан, ҳар замонда бўлсаям келиб ҳолимдан хабар олиб туришди. Айниқса, кенжа қизим билан куёвим инсофлироқ, бу ерда яшаманг, уйимизга кўчириб олиб кетамиз, дейишди. Жон деб борган бўлардим-у, аммо эл-улусдан номус қилдим. Бировярим оғзига кучи етмаганлар ўл-а, тўртта ўғил ўстириб, охири куёвингникида сиғинди бўлиб қолдингми, демайдими?!

Онахоннинг бу ҳасрати ўринсиздай, балки кимларгадир зерикарлироқ бўлиб туюлар. Аммо қариганда бир коса овқат ёки бир бурда нонга эмас, бир оғиз ширин сўзга муҳтожлик қанчалар оғирлигини биласизми? Ҳа, азизлар, инсондан дунёда нима қолади: бир-бировга айтилган бир оғиз ширин калом, меҳр-оқибат, холос. Айниқса, бу гапларни яқинларимизга айтишга, уларнинг кўнгилларини топишга шошилайлик. Негаки, умр ўткинчи, вақт ғанимат. Кўнглимизнинг гултожи бўлган меҳр-оқибатимизни яқинларимизга вақтида кўрсатишга улгурайлик. Агар у бўлса...

**Абдумажид АЗИМОВ**

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

## Дўкон уй-жой фондига мансубми?

***— Уй-жой фондига нималар мансуб? Уйларда жойлашган савдо дўконлари ёки тадбиркорлик мақсадида ишлатилаётган бошқа жойлар уй-жой фондига кирадими?***

**С.Дўстов**
Тошкент шаҳри

*Уй-жой кодексида белгиланган тартиб-қоидаларга асосан инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойлар (жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, ётоқхоналар, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек, болалар уйлари) ва бошқа мақсадли фойдаланиладиган махсус уйлардан иборат жойлар уй-жой фонди ҳисобланади.*

*Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун эса мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.*

**Саволга Хамза туман 8-сонли ДНИ нотариуси**
**Янко ЛАДА жавоб берди.**

## Жарима тўламайсиз

***— Отам яқинда вафот этди. Ҳовлимиз унинг номида эди. Уй-жойни қайта расмийлаштириш учун ер кадастрига борганимда, солиқдан катта миқдорда қарзимиз борлигини, қўшимча пеня тўлашимиз кераклигини айтишди. Меросхўр сифатида мерос олинган мулк учун солиқ пенясини тўлашимиз керакми?***

**Т.Самадов**
Тошкент шаҳри

*Солиқ кодексининг 52-моддасига асосан агар солиқ тўловчи вафот этса, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўри ёки меросхўрлари томонидан амалга оширилади. Бу мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрларга нисбатан татбиқ этилмайди.*

*Демак, сиз ўзингизга мерос қилинган мулк солиғинигина тўлайсиз. Пеня ва жарималарни эса тўлашга мажбур эмассиз.*

**Саволга Олмазор тумани ДНИ нотариуслари**
**Камола СОИПОВА, Гулруҳ АЗИМОВА жавоб берди.**

## Мулк ҳуқуқи муддатсиздир

***— Хотиним билан ажрашганман. Уй-жой суд орқали бўлиб берилган. Эшитишимча, агар мен ўзимга тегишли жойда уч йилдан ортиқ яшамасам, у хотинимга ўтиб кетармиш. Шу асослими?***

**Д.Камолов**
Тошкент шаҳри

*Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиз эканлиги белгиланган.*

*Шунга мувофиқ айтиш мумкинки, сизга тегишли уй-жойга эгалик ҳуқуқи ҳеч қачон ҳеч кимга ўтиб кетмайди.*

**Саволга Чилонзор туманидаги 1-сонли ДНИ катта нотариуси**
**Васила КАРИМОВА жавоб берди.**

## Судга мурожаат қилинг

***— Собиқ турмуш ўртоғим билан қонуний никоҳдан ўтмасдан, фақат шаърий никоҳ асосида яшаганмиз. Шундай бўлса ҳам унинг иш жойидан болаларим учун алимент пули ундириш мумкинми?***

**Ж.Маматқулова**
Тошкент вилояти

*Оила кодексининг 96-моддасида ота-оналар вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент тўлаши лозимлиги белгиланган.*

*Алимент вояга етмаган болаларнинг ота-оналари никоҳда туриши ёки никоҳда турмаслигидан қатъи назар, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун ундирилади. Бунинг учун алимент олувчи жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозим.*

*Агар алимент тўловчи шахс уни ўз ихтиёри асосида тўлашга рози бўлса, унинг алимент тўлаш тўғрисидаги мажбурияти тарафларнинг ўзаро келишуви асосида расмийлаштирилади. Бунда алимент тўловчи билан алимент ундирувчи шахс ўзаро келишув шартномасини тузишлари керак бўлади. Бу келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланади.*

**Саволга Янгийўл туман ДНИ нотариуси Алма ТОЖИБОЕВА жавоб берди.**

## Таъминот талаб қилишга ҳаққингиз йўқ

***— Ёшим 68 да. Кўп йиллар олдин оталик ҳуқуқидан маҳрум қилингандим. Лекин фарзандимга иш жойимдан ўз вақтида алимент тўлаб келганман. Ҳозир касалман, нафақам дори-дармонга етмаяпти. Ўғлимдан таъминот учун пул талаб қилишга ҳақим борми?***

**Н.Аҳмадшоев**
Тошкент вилояти

*Суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар ўз болаларига алимент тўлаш мажбуриятидан озод бўлмайди. Чунки бундан кўзланган мақсад вояга етмаган болани таъминлашдир.*

*Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она ўзига тегишли болаларига нисбатан қариндошлик фактига асосланган ҳамма ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Шунингдек, ота ёки она кексайганда, меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганида вояга етган болаларидан таъминот талаб қилиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.*

**Саволга Зангиота туманидаги 2-ФҲДЁ бўлими мудираси**
**Барно РАҲИМОВА жавоб берди.**

СЎНМАС САТРЛАР

# Шавкат Раҳмон



Шоирларнинг баланд овозда шеър ўқишларига кўникиб қолганмиз. Эҳтимол, шундай бўлиши табиийдир. Лекин секин, бир маромда шеър ўқийдиган шоирлар ҳам бўладики, уларнинг овози ортида улкан қалб, буюк идрок яширинганини ҳис этганингда гўё ғафлат уйқусидан уйғониб кетасан киши...

У яқин ўтмишда ҳам орамизда эди. Замондошлари билан елкама-елка, эл дардини ўзиникидек ҳис этиб, оддийгина яшар, юртимиз мустақиллигини жон қадар қадрларди. Унинг умрини қисқа, деб бўлмайди. Буни шоирнинг қаламига мансуб бесамар кетмаган шеърларидан билиш мумкин.

Ўзбек адабиётида Шавкат Раҳмон сингари оловқалб ижодкорлар кўп бўлмаса-да, миллат учун етгулик топилади.

Қадрли, газетхон! Мана шундай қалам соҳибларини вақти-вақти билан хотирлаб туриш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шу мақсадда «Сўнмас сатрлар» номли янги рукнни беназир шоир Шавкат Раҳмоннинг шеърлари билан бошлашни лозим топдик.

### ДЎСТЛАР

Ўтга ҳам,
Сувга ҳам ўзини урди.
Сира аямади ғайрати, кучин.
Хатарга, кулфатга басма-бас юрди
Дўстлари учун.
Силкитди каттакон қўлчаларини...
Юзида табассум, кўзида учқун.
Ҳамиша тутди у елкаларини
Дўстлари учун.
Дўстлар босиб ўтди
Бахтиёр, шодмон,
Орқалаб дунёнинг вафосиз кўчин.
У зина мисоли яшарди ҳамон
Дўстлари учун.
Дўстлар гуноҳидан қийналди, энди,
Дўстлар қилмишига йиғлади беун.
Кечалари танҳо чўчиб уйғонди
Дўстлари учун.
Дўстлар-чи, суяниб буюк бир дастга,
Тобора юксалиб бордилар дуркун.
У эса боради пастга ва пастга
Дўстлари учун!
Халақит бермангиз, айтманг яхши сўз,
Ҳолсиз қўлларини ушламанг букун.
У сўнгги мартаба юмаётир кўз
Дўстлари учун...

* * *

Яшамоғим зарур
Ҳар дақиқани
Ғазаб билан, севги билан тўлдириб.
Дунёдаги барча қора нарсани
Ёруғ лаҳзаларда ўлдириб.
Токим
Бош кўтариб қарай қуёшга,
Токим кўзларимда ёнсин ҳақиқат,
Токим тош мисоли тегмасин бошга
Мен яшай олмаган
Ҳар бир дақиқа...

### МУҲАББАТ

Муҳаббат — чиройли капалак,
қўрқаман шўрликни тутгани.
Капалак қувганим ёдимда,
ёдимда йўқ аммо етганим.

Юрагим ранжиган боладай
на эрмак, таскинга қўнади.
Муҳаббат — чиройли капалак,
ҳали ҳам гулларга қўнади.
Ортидан ҳаллослаб чопаман,
хижолат бўламан ғўрликдан —
қанчалик югурмай, барибир
орқада қолардим шўрликдан.

* * *

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
олис-олис воҳалардан
тоғларимни чақиринг,
осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
кўзимда бир томчи ёш,
сойлар ювса кетмайди.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
пешонамнинг шўридан
бино бўлган бу дарё...
осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
боринг, қорли тоғларга:
бир шоир ётибди, денг
Худонинг ҳовлисида...
Осмон тўла ҳаволар

### АФСОНА

Кўкрагимни майсага босиб,
буталарнинг панасида жим,
кенг камарда чўмилаётган
юлдузларни узоқ кузатдим.
Икки кўзим ўйнар мириқиб,
афсонавий хилқат очилар.
Қасирлатиб қуруқ шохларни
чакалакдан чиқар овчилар.
Вужудимга тарқалар титроқ,
юрак тошга айланиб қолди.
Хайриятки, бу ойдин тунда
юлдузларни бўлмайди отиб.

* * *

Айт, эй хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?
Яшил боғлар сарғарди,
Мағиз бўлди гужумлар.
Оҳ, вой, мунча йўл оғир,
Булбулим...
Улкан соат ўртасида
Мадорим йўқ юрмоққа,
Қашқирлар даврасида
Судраламан турмоққа.
Шунда қолиб кетсам гар
нетамиз?
Абадият оралаб
Ўшга қачон етамиз?
Қорли тоғлар бағрида
Бегим — Ўшим кўринди,
Султон — Ўшим кўринди...



(«Movarounnahr» нашриёти, 2012 йил)

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## «Тимсолларни ҳаётдан излайман»

Хонадонимизга меҳмон келса, энг аввало, дастурхонга нон қўйилиб, бир пиёла чой узатилади. Бу анъана халқимизга хос меҳмондўстлик саховатпешалик намунасидир. Аждодларимиз сопол пиёлада чой узатиб, меҳмоннавозлик қилган бўлса, айни пайтда уларнинг ўрнини бежирим чинни идишлар эгаллаган. Киши бундай идишларга ишланган турли нақшларни, ёрқин бўёқларни кўрганида завқланиб, баҳри дили очилади.



Санъатнинг ўтмиш анъанасию замонавий шаклларини миллий миниатюраларда акс эттираётган, лойдан турли сопол идишлар ясатаётган уста — Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Мирзатилла Қодиров ёшлигидан халқ амалий санъат турларидан бири — кулолчиликка қизиқиб келган. Болалигида тенгдошлари орасида лойдан турли шакллар ясашда унга тенг келадигани кам топиларди. Кейинчалик соҳага бўлган қизиқиш уни Республика санъат коллежига етаклади. Ўқиш давомида у устозларидан барча сир-асрорларни пухта ўрганди — Қўлидан иш келадиган бўлиб қолгандан сўнг пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Олмачи" маҳалласида жойлашган "Устазода" кулолчилик корхонасида ўз фаолиятини бошлади.

— Кулолчилик — алоҳида меҳр, эътибор талаб қиладиган касб, — дейди у. — Мўлжалланган иш бирдан юзага чиқмайди. Баъзан ҳафталаб изланишга тўғри келади. Мен ўзим ясаётган буюмларга ҳаётдан тимсоллар ахтараман. Кўзим тушган ҳар бир нарсага оддий инсон сифатида эмас, балки ижодкор нигоҳи билан ёндашаман. Қайсидир жиҳатлари билан қалбимга муҳрланган ёрқин тимсолларни даставвал қоғозга кўчираман. Кейин улардан бирин-кетин турли шакллар пайдо бўлади.

М.Қодировнинг айрим бадиий ижод намуналари республикамиз музейларидаги экспонатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган. Устанинг коллежда ўқиб юрган даврида ясаган Шарқ кулолчилигининг замонавий дизайнини ўзида мужассам этган гулдони «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг фойеси ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейига қўйилган. Шунингдек, у яратган миллий миниатюра ва кулолчилик намуналари кўплаб халқаро танловларда ҳам юқори баҳоланган.

Қувонарлиси, Мирзатилла Қодиров давом эттираётган миллий ҳунармандчилик анъаналари ёшларнинг маънавий тарбияси ва қадриятларимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

**Толибжон НИЗОМОВ**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИДАН

Адабиёт олами бениҳоя кенг. Лекин бу кенгликни инсон тафаккури қамрай олади. Зеро, одамнинг ўй-хаёллари, кечмишлари бадият дунёсининг абадий мавзуларидир. Айни чоғда бу мавзуларни жамият, ижтимоий муҳитдан холи тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Чинакам ёзувчи, шоир, айтар сўзи бор ижодкор ўзи нафас олаётган ҳаёт, жамиятнинг онгли ва фаол аъзоси сифатида майдонга чиқади. У қайси тур ва жанрда, қандай услуб ва усулда қалам тебратмасин замондошларини, келажак авлодни бедорликка, эзгуликка даъват этади.

# БУЮК ЭРТАКЧИ

## ёхуд Льюис Кэрроллнинг публицистик меросига назар...



Дарвоқе, эзгулик деганда беихтиёр болалигимизда бизга қадрдон, доимий ҳамроҳ — эртаклар ёдимизга келади.

Мўъжизалар мамлакати ва Кўзгу орти ўлкасига саёҳат қилган қизча — Алиса ҳақидаги эртакларни ўқигансиз, эшитгандирсиз, эҳтимол, бу икки асар асосида суратга олинган мультфилмлару кинофильмларни томоша қилгандирсиз. "Алиса Мўъжизалар мамлакатида", "Алиса Кўзгу орти ўлкасида" номли дунёга машҳур бу икки эртакнинг муаллифи Льюис Кэрролл ёшидан қатъи назар, дунёдаги барча эртаксеварларнинг суюкли ёзувчиси.

Асл исми Чарлз Лютвидж Доджсон бўлган адиб 1832 йил 27 январда Англиядаги Чешир графлигига қарашли Дэрсбери қишлоғида таваллуд топган. Тақводор, билимли отаси ва уч нафар укаси, етти нафар синглисининг тарбияси билан машғул онаси катта умидлар билан Чарлзга бошланғич таълимни ўзлари беришди. Чарлз аввалига Ричмонд, сўнгра Рэгби мактабларини тугатгач, Оксфорд коллежига ўқишга кирди. Айнан Оксфордда ўқиб кейинчалик магистр даражасини олган бўлажак адиб бутун умр шу ерда қолиб ўқитувчилик қилади. Муаллимлик касби уни нафақат адабиёт муҳитига олиб киради, балки ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб, таҳлил қилиш имконини беради. Талабалик даврида Кэрролл деворий газета-журналлар чиқаради. Журналлар саҳифаларидан жой олган панд-насиҳат мазмунидаги фикр-мулоҳазалар турли юмористик шеърлар, ҳажвия ва ҳикояларга ўраб берилган, ёзувчи уларга яна ҳар хил бошқотирмалар ҳам илова қилади. Бундан ташқари, Шекспир, Милтон, Диккенс, Теннисон каби машҳур ёзувчиларнинг асарларидан иқтибослар келтириб, уларга пародиялар ҳам ёзади. Шу тариқа Чарлз адабиётга илк бор қадам қўяди.

Коллежда ўқиб юргандаёқ эса, у матбуотда фаол қатнашар, унинг талайгина памфлет ва ҳажвий мазмундаги асарлари чоп этиларди. Мазкур памфлетлар мавзуларига кўра турлича ва қамрови кенг эди. У Крайст Чёрч қўнғироғидан тортиб, коллеждаги талаба қизларнинг яшаш шароити, турар-жойлари масаласигача шуғулланади ва асосан муаммоларни танқидий руҳда қаламга олади. Шуни инобатга олсак, Кэрроллнинг илк публицистик ижоди ўз ўрнида долзарблиги, ҳаётийлиги билан қимматли эканлигини англаймиз. Боз устига, унинг сатира билан йўғрилган, аччиқ тилда битилган памфлетлари коллеж раҳбариятининг жиғига тегарди. Бироқ адиб ялтоқланишдан кўра, рост гапни дадил айтишни афзал билади.

Ёзувчи дунёга нафақат икки бетакрор эртаги билан танилган, балки айримлари тириклигида, аксарияти вафотидан сўнг эълон қилинган хатлари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортган, китобхонларда қизиқиш уйғотган. Бошқача айтганда, бу хатлар унинг шахсиятига очилган дарчалардек, буюк адиб фаолият ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Хатларининг бу қадар адабиётшунослар ва китобхонлар эътиборини тортганини асосий сабаби эса уларда давр адабий ҳаёти, ижтимоий муҳит ва кўпчиликни ўйлантирган масалаларнинг теран таҳлил этилганлигидадир. Кэрролл мактубларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, унинг оила аъзоларига ва кичик дўстлари — болаларга ёзган мактублари (Адибнинг умр бўйи болалар билан дўстлиги, улардан илҳом олиб, иккита беқиёс, бетакрор дурдона асар ёзгани кўп таъкидланади). Оиласидагиларга ёзган хатлардан бирида Ч.Диккенснинг "Давид Копперфилд" номли асари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилган.

Кэрролл публицистик меросида маълум бир ижтимоий масалани кўтариб куюниб ёзган иккинчи турга мансуб мактублари, айниқса, салмоқлидир. Уларда ёзувчи бевосита кўрган, кузатган реал воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. Маълумки, Кэроллнинг болаларга меҳри жуда баланд бўлган ва бу фазилати туфайли улар билан осонгина тил топишиб, тезда иноқ бўлиб кетган. Унинг ана шундай жажжи дўстлари орасида лорд Солсберининг қизлари ҳам бор эди. Улар орқали Кэролл лорднинг ўзи билан танишиб, хат ёзишиб туради. Адиб мактубларида сиёсатга, математикага, динга доир мулоҳазалар билан бирга лорд Солсберига айрим илтимосларини ҳам баён этган. Қизиғи шундаки, илтимосларида у ҳеч қачон ўзи учун қандайдир кўмак сўрамаган, аксинча ёрдамга муҳтож одамларга меҳр кўргизишга ундаган. Масалан, шундай илтимосномаларидан бирида у Тристан-да-Кунья номли орол аҳолисига ёрдам беришни сўрайди. Гап шундаки бу орол аҳолиси жуда ночор ва оғир шароитда кун кечирган. Бу ҳақда адиб ўша ерда руҳоний бўлиб хизмат қилаётган укасидан билиб қолади. Бироқ ҳадеганда лорддан хатидаги сўровига ижобий жавоб ололмаган Кэролл қатъият билан қайта-қайта мурожаат қилишдан эринмайди. Ниҳоят, уч йил деганда орол аҳолисига моддий ёрдам ажратилади.

Л.Кэрроллнинг публицистик меросида унинг ўз даври сиёсий ҳаётига фаол аралашгани, яъни сиёсий қарашларини дадил ифодалаган асарлари ҳам талайгина. У 1881 йилги парламент сайловларига ўз муносабатини билдириб, сайлов ҳаққоний, холис ўтиши зарурлигини таъкидлайди. Бу билан чекланмай, у сайловларда ҳалоллик, холисликни таъминлаш учун ўзининг бир қатор таклифларини ҳам баён этади. Хат жанрида битилган бу оташин даъват ўша йили "Сейнт-Жеймс" газетасида "Сайловдаги тозалик" номи билан чоп этилган.

Кэролл нафақат болалару катталарнинг меҳрини ғаройиб эртаклари билан қозонган, балки ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, ўзи яшаётган жамиятга бепарво бўлмагани ва ўзгалар дардини ўз ташвишидек ҳисоблаб, уларга ёрдам қўлини чўза олгани билан ҳам дунё китобхонлари эътирофини қозонган.

Қалбдан чиққан сўзгина қалбларга етиб боради, дейишади. Сўз қалбдан чиқиши учун юрак соф ва ҳароратли, бедор бўлмоғи лозим.

Льюис Кэрролл умрининг сўнгги дамларига қадар изланишдан, кўпчиликнинг ташвиши билан шуғулланишдан чарчамади. Жонкуярлик нафақат ижодда, балки машаққатли ҳаёт йўлида ҳам унга доимо ҳамроҳ бўлди.

**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

► ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА

# САМОНИ КЎЗЛАГАН НУРЛИ НИГОҲЛАР

Ўтмишда одамлар коинот, юлдузлар, сайёралар ҳақида афсоналар тўқиб, уларга ўзлари ҳам ишониб келишган. Инсоният ақл-заковати ва меҳнати маҳсули бўлган илм-фан ривожлангач, коинот тўғрисида илмий тасаввурлар секин-аста шакллана борди. Осмон жисмларининг ҳаракати ва физик хусусиятлари ҳақидаги билимлар дастлаб Шарқ мамлакатларида илмий хулосалар кўринишида тўпланди.

Ўз мўъжизалари ила доим бизни ҳайратга соладиган коинот, уни ўрганувчи астрономия фани соҳасида бугун дунё, жумладан, юртимиз олимлари эришаётган ютуқлар хусусидаги саволларга жавоб олиш мақсадида таниқли олим, Халқаро астрономия иттифоқи (IAU) аъзоси, профессор Мамадмусо Мамадазимов билан суҳбатлашдик.



***— Мустақилликка эришилгач, мамлакатимизда замонавий обсерваторияларнинг очилиши, албатта, эзгу ниятлар маҳсулидир. Ана шу улуғ ишларнинг самараси ҳақида суҳбатлашсак...***

— Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз дунёнинг кўплаб давлатлари орасида астрономия соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ва соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Мамлакатимизнинг барча мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқув дастурига астрономия фани киритилганини мамнунлик билан эслатиб ўтиш жоиз.

Астрономия ўсиб келаётган ёш авлодда фалакиёт ҳақидаги бошланғич илмни шакллантиришга хизмат қилувчи фанлардан биридир. Мамлакатимизнинг тўққизта университет ва педагогика олий ўқув юртларида астрономиядан чуқур билим берилмоқда. Мазкур таълим дастурлари халқаро тажрибаларга таяниб, шунингдек, буюк аждодларимизнинг улкан илмий ва маънавий меросидан кенг фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган давлат стандартларига асосланган.

Марказий Осиёдаги илк астрономия ўқув обсерваторияси 1996 йилда Самарқанд давлат университети ҳузурида ташкил этилди. Бу ерда университет талабалари иштирокида Астрономия институти ходимларининг кўмаги билан профессионал телескоп ёрдамида янги ўзгарувчан юлдуз кашф қилинди. Ёшларнинг соҳага қизиқиши кучайгани боис 2008 йили Андижон давлат университети учун Андижон шаҳри яқинидаги Боғишамол оромгоҳида, 2011 йили Ўзбекистон Миллий университети талабалари учун эса Тошкент вилоятининг Паркент туманида иккита янги ўқув обсерваторияси ташкил этилди. Бу йил Ватанимиз мустақиллиги куни арафасида эса Тошкент Астрономия институти ҳудудида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув обсерваторияси ишга туширилди. Янги ўқув обсерваториясида диаметри 35 сантиметрга тенг бўлган кўзгули телескоп ўрнатилди. У объектлар тасвирини 500-700 марта катталаштириб кўрсата олиш имкониятига эга. Бу телескоп ёрдамида Қуёшдаги доғларни кузатиш, Сатурн халқаси ва Юпитернинг кўплаб йўлдошларини, Ойнинг кратерлар билан қопланган ландшафтини батафсил кўриш мумкин. Эътиборлиси, ўқув обсерваторияларидан нафақат астрономлар, балки амалий математика, космик геодезия, асбобсозлик, радиофизика, сейсмология, геология ва бошқа кўплаб илмий тармоқларга мутахассислар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Айни кунларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда нафақат амалий машғулотлар, балки тадқиқот ўтказиш имконини берадиган илмий марказларни ташкил этишга доир аниқ мақсадли ишларни бажармоқда.

***— Линзали ёхуд кўзгули телескоплардан қачондан бери фойдалана бошланган, шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.***

— Обсерваториялар жуда қадимдан мавжуд. Бироқ асосий кузатиш асбоби оптик телескоплар бўлган обсерватория Галилео Галилей томонидан 1610 йилда ишга туширилган. У ўзи кашф этган асбоби воситасида оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган Ой сиртидаги тоғлар, пасттекисликлар, жарликлар ҳамда турли катталикдаги кратерлар тасвирини кўра олган. Олимнинг астрономия соҳасидаги дастлабки янгиликлари кейинги телескопик кузатишларда ҳам тасдиқланган. Хусусан, Қуёшда доғ борлиги аниқланган. Ундаги доғларнинг катталиги бир неча мингдан бир неча юз минг километргача боради.

Галилейнинг бу кашфиёти астрономия учун катта янгилик эди. Чунки аввалги кузатувларда олимлар Қуёшдаги доғларни унинг сиртига дахлдор эмас, деб ҳисоблашарди. Галилей эса буни нотўғри эканини исботлади. Демак, телескоплар кашф этилиши астрономик тадқиқотларда ўзига хос инқилоб ясаган, десам муболаға бўлмайди.

***— Маълумки, улуғ бобокалонимиз Мирзо Улуғбек астрономия соҳасида ўчмас из қолдирган. Унинг даҳоси само илмининг тараққий этишига ҳозир ҳам хизмат қилиб келяпти. Ваҳоланки, XV асрда ҳозиргидек замонавий асбоблар, шароит бўлмаган. Бугунги кунда фалакиётни ўрганиш учун имкониятлар анча юқори. Шундай экан, ушбу соҳага қадам қўяётган ёшларимиз боболаримиз салоҳиятини такрорлашга қодирми?***

— Қомусий билимлар соҳиби Мирзо Улуғбекдан ташқари Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий каби дунёга доңғи кетган боболаримизнинг ҳам жаҳон астрономия фани ривожига қўшган ўлмас мерослари бор. Масалан, Хоразмий IX асрда очилган Маъмун академиясининг етакчи астрономларидан бири ҳисобланган. Унинг бу соҳага доир "Зижи ал-Хоразмий" китоби ўрта асрларда катта шуҳрат қозонган. Ғарб ва Шарқ мамлакатлари олимлари астрономияни ўрганишда дастлаб шу китобдан фойдаланишган.

Тарихдан маълумки, "Авесто" ёзилган даврларда ҳам Хоразмда бошқа фанлар қатори астрономия яхши ривожланган эди. Ал Хоразмий маълумотига кўра, "...астрономия фанида ўн осмон бор, Ер биринчи курра, осмонда сайёраларнинг етти осмони бор, тўққизинчи осмон сокин юлдузлар осмони.., ўнинчиси нотекис бўлган олий осмон".

Шубҳасиз, Мирзо Улуғбек ўрта асрларнинг энг буюк астрономларидан бири саналади. У яратган астрономик асбобларнинг аксарияти бурчак ўлчагич қурилмалардир. Бундай асбоблар билан осмон жисмларининг координатларини белгилашган. Ўлчанаётган жисмнинг бурчаклари қанчалик аниқ бўлса, координатлари ҳам шунча юқори аниқлик берган. Радиуси 40 метрга тенг бўлган мана шундай йирик бурчак ўлчайдиган асбобни Мирзо Улуғбек ўз устозлари Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид Кошийлар билан бирга 1420 йилда Самарқандда ясаб ишга туширган.

Маълумки, Мирзо Улуғбек юлдуз йилининг узунлиги 365 кун, 6 соат, 10 минуту 8 секундлигини аниқлаган. Техника тараққий этган ҳозирги даврда аниқланган юлдуз йили узунлиги билан Улуғбек аниқлаган бу муддат орасидаги фарқ бор-йўғи 1 дақиқаю 2 сонияни ташкил этади.

Астрономия соҳасидаги хизматларини айтиб адоғига етиб бўлмайдиган шу каби алломаларимиз жуда кўп. Мен уларнинг баъзиларини тилга олдим, холос. Бир сўз билан шуни айтиш мумкинки, улар томонидан кўзи очилган булоқлар йиллар, асрлар оша уммонга айланди. Бугунги ёшларимиз, талабаларимиз орасида ҳам буюк бобокалонларимизнинг хизматларини такрорлай оладиган иқтидорлилари бор. Ҳозир мамлакатимизда шу соҳа бўйича 10 нафар фан номзоди, 4 нафар фан доктори фаолият олиб бораётганининг ўзи юртимиз ёшларини астрономия илмига қай даражада ошно тутинаётганидан далолат.

***— Яқинда НАСА мутахассислари Марсга учирилган марсаходни "Қизил сайёра" сатҳига қўндиришга муваффақ бўлди. Айтингчи, бўлажак фазошуносларимизнинг бундай масалаларга муносабати қандай бўлади?***

— Марс жуда кўп йиллардан бери ўрганиб келинмоқда. 1961 йилдан бошлаб "Қизил сайёра"га турли аппаратлар учирилади. 1976 йилда эса НАСА ўзининг "Wiking-1" ("Саёҳатчи-1" ), "Wiking-2" кемаларини мазкур сайёра атрофига саёҳатга жўнатди. Улар сайёрага қўнмай, Марсни суратга олдилар ҳамда харитасини чизиб, қаерда пасттекисликлар, чуқурликлар борлигини аниқлашди. Йиллаб ўрганишлар ва тузилган харита ёрдамида яқинда НАСАнинг навбатдаги "Curiosity" кемаси Марс сатҳига муваффақиятли қўндирилди. Буларнинг бари инсон иштирокидаги парвозга тайёргарлик бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ Марсга учиш жуда мураккаб жараён. Қуёш ушбу планетадан 228 миллион километр узоқликда турган вақтдагина парвозни амалга ошириш мумкин. Олдинда шунчалик қийин парвоз кутаётганига қарамай, "Қизил сайёра"га учиб боришни орзу қилаётган космонавтлар тайёрланмоқда.

Саволингизга қайтадиган бўлсак, бирорта осмон жисми ўрганилаётганда дунёнинг бошқа давлатлари астрономлари ҳам бу жараённи катта қизиқиш, ҳаяжон билан кузатишади. Муваффақиятлар гарчи ўзга давлатники бўлса ҳам астрономия ривожи йўлида яна бир янги қадам ташланганидан хурсанд бўлишади. Жумладан бизнинг фазошуносларимиз ҳам.

**Гўзал МАЛИКОВА**
**суҳбатлашди.**

► ТУҲФА

# «Широқ» саҳнада

Халқимиз орасида Широқ номини билмаган, унинг қаҳрамонлиги ҳақида эшитмаган, ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса-да, у каби жасорат кўрсатиб, элу юрт муҳаббатини қозонишни истамаган инсон топилмаса керак. Қарийб икки ярим минг йилдан ортиқроқ вақтдан буён Широқ ҳақида мингдан зиёд ривояту афсоналар тўқилиб, баркамол бадиий асарлар ёзилади.

Аммо шу пайтгача Широқнинг мардлиги, ватанпарварлиги ҳақида бирор мукаммал саҳна асари яратилмаган эди. Яқинда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Ўқув театрида институтнинг битирувчи магистранти Раҳимжон Дўсанов томонидан таниқли ўзбек ёзувчиси Миркарим Осимнинг "Широқ" ҳикояси асосида "Широқ" номли трагик-спектакль саҳналаштирилиб, Республика Ёш томошабинлар театри саҳнасида намойиш этилди.

Спектакль янгича услубда, яъни моноспектакль ("Бир актёр театри") жанрида саҳналаштирилган бўлиб, унда фақат биргина актёр иштирок этади ва асардаги бутун персонажларни фақат ёлғиз ўзи ижро этади. Айрим шахслар эса томошабинга очиқ кўрсатилмай, балки яширин белгилар ва бошқа тимсоллар орқали намойиш этилди. Ҳеч кимга сир эмаски, бутун спектакль мобайнида томошабинларни асар муҳитида ушлаб туриш учун актёрдан жуда катта масъулият талаб қилинади. Аммо бутун саҳна асари мобайнида ҳудди шу вазифани бир актёрнинг бажариши мушкул иш. Бу жараён актёрдан нафақат масъулият, балки иқтидор, юксак маҳорат ҳам талаб қилади.

Юқорида айтилган барча масъулиятни ёш истеъдод соҳиби Раҳимжон Дўсанов ўз зиммасига олди ва спектаклда нафақат саҳналаштирувчи режиссёр, балки ижрочи сифатида ҳам ўз малакасини намойиш этиб, томошабинлар эътиборини қозонди. У саҳна узра ҳаракатланиб, гоҳ кекса оқсоқол ролини ижро этиб, кексаларга хос донишмандликни намоён этса, гоҳ қабила бошлиғи ролини маромида ижро эта олди. Юксак зеҳнли бош қаҳрамон Широқ ролида эса том маънодаги мард, иродаси мустаҳкам инсоннинг саҳнавий қиёфасини яратишга эришди. Ижро давомида воқеаларга ҳамоҳанг Ватан ҳақидаги қўшиқлар ҳам ёш авлод қалбида Ватанга бўлган муҳаббатини янада кучайтириб, улар кимларнинг авлодлари эканлигини руҳан англатиб турди.



Буюк жадид намояндалари театрни бежиз "ибратхона" деб аташмаган. Чунки бу ерда бирорта воқеа ёхуд бирорта лавҳа шунчаки томоша қилинмайди, балки у билан бирга яшалади. Шу маънода томошабинлар ҳозиргача Широқ ҳақида ёзилган асарларни ўқиб, ҳайратланишган бўлса, мазкур спектаклдан сўнг, айниқса, унинг ўлимни мардона қабул қилганидан қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. Қалбларида унга нисбатан муҳаббат пайдо бўлди. Ватанпарварлик туйғулари жилваланди.

Янги саҳна асарига ёзувчи ғоясига қўшимча равишда режиссёр томонидан бир қанча топилмалар киритилган. Асар "Ватан жон фидо қилишга арзийди ва Ватан учун жон фидо қилганлар хотираси мангудир" деган хулоса билан якунланади.

Санъатнинг ривожланиши, унинг тараққий этиши учун пухта билимга эга бўлган ижодкоргина унга жаҳон тажрибасининг энг илғор ғоялари синтезини олиб кириши мумкин. Раҳимжон Дўсанов ана шундай фидойи, умидли санъаткорлардан биридир. Бугунги глобаллашув замонида, санъатга "оммавий маданият" хуружи авж олиб кириб келаётган бир вақтда миллий қаҳрамонларимизнинг бундай саҳнавий талқини яратилиши, албатта, жамиятимиз тараққиётига хизмат қилади.

**Шаҳодат ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси**

► ФИКР ҚАЙРОҒИ

# ҚАЙТАРМАЧОҚЛАР

Бола тарбияси ҳамма даврларда ҳам муҳим ҳисобланган. Бунинг учун турли воситалар ўйлаб топган. Масалан, фикрини теранлаштириш, ўйлашга мажбур қиладиган эртаклар, топишмоқлар айтилган. Бешик даври тугаган болажонлар учун ҳам гоҳ ўйин тарзида, гоҳ кулгили сўзларни қўллаш орқали мулоқотга киритишга ҳаракат қилинган. Қайтармачоқлар ҳам шу тарзда юзага келган фикр қайроғидир. Улар кўпинча монолог, диалог ва насрий шаклда қурилади. Диалог шаклидаги қайтармачоқларда воқелик мантиқий узвийликдан иборат кетма-кетлик замирида бўлади. Савол-жавоблар эса қарама-қаршилик негизида қурилади. Зеро, ҳар бир жонли ва жонсиз нарса ўзи ҳақида сўзлар экан, ўзидаги ожиз томонни қайд этгани ҳолда, қарши тарафнинг устун жиҳатини эътироф этади.

Монолог шаклидаги намуналарда лирик «мен» марказда туради. Унинг поэтик нутқида бир воқеадан иккинчиси ўсиб чиқади. Шу зайлда ҳар иккала турдаги қайтармачоқларда ҳам бу хусусият муштарак фазилатга айланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам қайтармачоқ сюжетини ташкил этган ҳар бир воқеа алоҳида эпизод тусини олади. Бироқ бу эпизодлар умумий бир мотив (ғоя) атрофида изчил мантиқийликка бирлашган бўлади. Бунда ҳар бир эпизод бир савол шаклида, изоҳи ҳам ўз ҳолатида бирин-кетин қайтарилаверади. Ҳодисанинг қайтармачоқ дейилиши ва алоҳида эътироф этилишига ҳам ҳудди шу хусусиятлари асос бўлган. Масалан, «Кун, сен нимадан кучлисан?» қайтармачоғи диалог асосида қурилган. Унда болаларни қизиқтирган «Дунёда ким кучли?» саволига жавоб ҳодисалар баҳси асосида воқеадан воқеанинг ўсиб чиқиши шаклида баён қилинган:

*— Кун, сен нимадан кучлисан?*
*— Мен кучли бўлсам юзимни булут тўсармиди?*
*— Булут, сен нимадан кучлисан?*
*— Мен кучли бўлсам ёмғир ёғармиди?*

Кўриниб турибдики, ҳар бир савол ўзидан кейинги воқеага мантиқий майдон ҳосил қилаяпти. Шу майдонда воқеалар тизила боради: ёмғир ерни, ер ўтни, ўт қўзини, қўзи бўрини, бўри эчкини, эчки сичқонни, сичқон қумурсқани ўзидан кучли, деб билади. Эътиборлиси шундаки, уларнинг ҳар бири ўзларидаги ожизликни ошкора тан олади. Воқеалар шу хилда мантиқий занжирсимон тизим тусини ола боради. Натижада қайтармачоқдаги сюжет динамикаси таъминланади.

Қайтармачоқда ҳар бир ҳодиса ўзидан кучли бўлган ҳодисани тан олади. Бу энди тантилик сабоғи. Халқона ахлоқий қарашлар уларга шу хилда сингдирилган бўлади. Шу маънода қайтармачоқ болаларни мустақил фикрлашга ўргата олиши билан аҳамиятлидир.

Бола қайтармачоқнинг оҳангидан, унга дахлдор ҳаракатдан таъсирланади. Бунда сўз бола учун тушунча сифатида аҳамият касб этмайди. Қайтармачоқларда иккала томон баб-баравар фаоллик кўрсатади: катталар топқир ижодкор, моҳир ижрочи сифатида, болалар тинглаганларини тасаввур ва идрок қилишга, шу асосида ҳаёт ҳамда ўйиндан иборат ўз оламларини яратишга интилувчи сифатида фаоллик кўрсата бошлайди. Бу ҳол болаларда руҳий фаолиятни фаоллаштира боради. Натижада онгнинг уйғонишига, дунёқарашнинг куртак ёза бошлашига йўл очади. Шу туфайли қайтармачоқлар ўзбек халқ педагогикасида беқиёс қимматга эга. Бинобарин, уларни тўплаш, ўрганиш ва нашр этиш зарур.

**Охунжон САФАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

Адади: 6457 Буюртма — Г-955 1 2 3 4 5